O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2010-yil 27-yanvar, chorshanba ● №5 (658) ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● e-mail: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz

ЎЙНАБ ЁЗСАНГ ҲАМ...

Бугун Ўзбекистонда бир минг бир юздан ортиқ оммавий ахборот воситалари фаолият кўрсатаяпти. Улардан мингга яқини газета ва журналлар, қолганлари телерадиоканаллар, интернет нашрлари ва ахборот агентликларидир. Мустабид тузум даврида эса булар бир неча баробар кам эди.

6-бет

ҲАҚГЎЙ ҚУШНИНГ НОЛАСИ



Бир куни шу уйда ёлғиз қолдим. Шерикларим шаҳарга егулик олиб келгани кетишганди. Ҳавонинг қовоғи анчайин осилган. Бирдан ёмғир ёға бошлади. Ҳамма ёқ шалаббо. Ваҳимали сукунат оғушида оқшом чўкаяпти. Шу пайт сойнинг нариги бетидан яна "ҳақгўй"нинг "кук-ку"си эшитилди.

7-бет

НАВОИЙНИ ҲАР ДОИМ ЎҚИШ КЕРАК

Ҳозирча шоирнинг ўз қўли билан ёзган бошқа асарлари маълум эмас. 2008 йили Эрон сафарида бўлганимда илмий анжуман қатнашчиларидан бири «Табризда Навоийнинг дастхати сақланади. Лекин қаерда ва қайси асари била олмадим», деди. Энди Навоийнинг руҳи мадад берса, шояд уни ҳам кўриш насиб этса, деган орзу-умидлар оғушида яшаяпман.

8-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ БИРИНЧИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Тошкентда 26 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзоулуғбек Абдусаломов мажлисни очиб, Олий Мажлиснинг Сенатини шакллантириш якунлари тўғрисида ахборот берди ва сайланган сенаторларни табриклади.

Сенаторлар кун тартибини тасдиқлаб, Сенат биринчи мажлисининг муваққат котибиятини, электрон тизимдан фойдаланиш бўйича муваққат назорат гуруҳини сайладилар.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

— Авваламбор, бугун сизлар билан мана шу муҳташам залда учрашиб турганимдан хурсанд эканимни билдириб, сизларни халқимизнинг катта ишончига, яъни Олий Мажлисимизнинг юқори палатасига аъзо бўлиб, сенатор деган юксак номга сазовор бўлганингиз билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг самимий ҳурматим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман, — деди давлатимиз раҳбари.

Бугун Сенатнинг биринчи мажлисида қатнашаётган депутатлар — булар илгари ҳам сенаторлик вазифасини бажариб, тажриба топган халқ вакиллари бўладими, илк бор ана шундай юксак шарафга муносиб бўлган инсонлар бўладими, бундан қатъи назар, сизларнинг барчангиз қандай катта ҳаяжон ва кайфиятда эканингизни сезиш, кўриш қийин эмас, деб таъкидлади Президентимиз.

Ҳар қайси одамнинг ҳаётида унинг катта-кичик лавозимга кўтарилиши учун қанча ишонч билдирилмасин, инсон ҳар доим барибир ўзига нисбатан эл-юрт томонидан кўрсатилган ҳурмат-эътиборни янгитдан ҳис қилиши, ўзгача ҳаяжонда, шукроналик ва миннатдорлик кайфиятида бўлиши табиий.

Шу маънода, бугун мана шу залда тўпланган Сенат аъзоларининг аксарияти очиқлик ва ошкоралик, холислик ва ҳаққонийлик руҳида, кескин курашларда ўтган сайловларда ғолиб чиқиб, аввал маҳаллий кенгашларга кейин эса Олий Мажлиснинг юқори палатасига сайланиб, қандай машаққатли танлов ва синовдан ўтганларини яхши англайдилар.

Айни пайтда бу ҳолат Сизларнинг зиммангизга нақадар улкан масъулият юклашини ва бу масъулиятни бажариш том маънода фаоллик ва фидойиликни талаб этишини ҳам яхши тасаввур қиласизлар, деб ишонаман.

Сенатнинг янги таркиби ҳам профессионал, ҳам сиёсий, ҳам тайёргарлик нуқтаи назаридан олдинги таркибга нисбатан анча юқори даражада шакланди. Бу фикрнинг тасдиғи сифатида қуйидаги рақамларни келтириш ўринлидир.

Сенат янги таркиби аъзоларининг 94 нафари олий маълумотли бўлиб, уларнинг 18 нафарини иқтисодчилар, 9 нафарини юристлар, 23 нафарини муҳандис-техник ходимлар, 15 нафарини педагоглар, 8 нафарини тиббиёт ходимлари ташкил этади. Сенаторлар орасида 13 нафар фан номзоди, 8 та фан доктори, 2 нафар академик бор.

Олий Мажлисимизнинг юқори палатасига ишлаб чиқариш, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, илм-фан, маданият, таълим-тарбия соҳалари, жамоат ташкилотларининг кўзга кўринган намояндалари аъзо этиб сайлангани, ҳеч шубҳасиз, Сенатнинг салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Ўтган беш йил мобайнида мамлакатимизда Сенат фаолиятини йўлга қўйиш, унинг самарадорлигини ошириш бўйича катта тажриба тўпланганини ҳисобга олишимиз зарур.

(Давоми 2-бетда.)

ЧОРШАНБАДАН ОРШАНБАГАЧА

■ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 22 январь куни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддаси ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 50-моддасига мувофиқ "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоларини тайинлаш тўғрисида"ги Фармонга имзо чекди.**

■ 22 январь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери ва унинг ўринбосарларини ҳамда парламентнинг қуйи палатаси қўмиталари раисларини сайладилар.

■ **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳарлар ҳокимларининг минтақавий семинари ташкил этилди.**

■ Бельгиянинг Лювен ва Нидерландия қироллигининг Утрехт шаҳарларида туризм ярмаркалари бўлиб ўтди ва уларда Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти кенг намойиш этилди.

Кўргазмага ташриф буюрган кўпчилик меҳмонлар Ўзбекистоннинг диққатга сазовор жойлари, амалий санъат намуналари ҳамда мамлакатнинг туризм соҳасидаги салоҳиятига харихоҳлик билдиришди.

2010 ЙИЛ — БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ

"КАМОЛ ЭТ КАСБКИМ..."

Одам боласи яралганидан буён камолотга, комиллик ва етукликка интилиб яшаб келади. Инсоннинг ўз баркамоллиги йўлида чеккан ранжу машаққатлари, ўтказган меҳнату синовларининг чеки-чегараси йўқ.

Инсон дунёга келдими, демак, ҳаёту тирикликнинг нимаики синов ва қийинчиликларига дучор бўлмасин, умрини эзгуликка, яхши амаллар, илму маърифат ва ўзининг инсонийлик такомилига бахш этсагина, у муборак ва мукаррам номини оқлаган бўлади. Ҳадиси шарифдаги "Бешикдан қабргача илм изланглар" деган ҳикматнинг мазмун-моҳияти, замирида ҳам инсон комиллиги назарда тутилган. Шу ўринда ҳазрат Алишер Навоий бобомизнинг ҳаммамиз ёд биладиган, маълум ва машҳур қитъаларини яна бир карра эсламоқ жоиз:

Камол эт касбким, олам уйидин
Санга фарз ўлмагай ғамнок чиқмоқ.
Жаҳондин нотамом ўтмак биайниҳ
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.

Бу абадий ўлмас сатрлар жуда кўп боралар талқин қилинган, уларнинг шарҳи ҳазрат бобомизнинг ўзлари эътироф этганларидай, «юз рисола бўлгусидир". Мухтасар айтганда, Навоий бобомиз инсон боласи бу ёруғ дунёда камолотга интилмоқни, комилликка етишмоқни касб қилмоғи кераклигини таъкидламоқдалар. Бунинг акси эса — ҳаммомдан нопок ҳолда чиқмоқ билан баробарлиги уқтирилмоқда. Ўз-ўзидан буюк бобомизнинг яна бир байтлари ёдга келади:

Давронда камол ичра қуёштин бийик ўлди,
Ҳар зарраки бир комили давронга йўлуқти.

"Комили даврон" деган сўзларнинг ортидан худди Мир Алишер ҳазратларининг ўзлари боқиб тургандай.

2 »

БУНЁДКОРЛИК

Замонавий қишлоқ: КЕЧА ВА БУГУН

Миллатимизнинг қон-қонига сингиб кетган одати бор — ўтил кўрса, яхши ният билан ерга ниҳол қадайди. Фарзанд ўсгани сари ниҳол ҳам кўкка бўй чўзиб боради. Йиллар ўтиб, унинг оила қуриши яқинлашганда, тўлишиб, қулоч ёйган ниҳолнинг ёғочи уй қуришда асқотади. Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишларини ҳам фарзандлари истиқболи учун ёниб яшаётган ота-онанинг ҳаракатига ўхшатиш қилиш мумкин.



Бугун нафақат шаҳарларда, балки олис қишлоқларда ҳам миллий ва замонавий шаҳарсозлик кўринишидаги кўркам уй-жойлар қад ростлай бошлади. Фойдаланишга топширилаётган юзлаб коллеж ва академик лицейлар, мактаблар, спорт иншоотлари, шифохона, темир йўл ҳамда автотранспортлар учун шоҳбекатларни кўрган кишининг кўзи қувнайди. Яратувчанлик халқимизнинг энг эзгу фазилатларидан бири эканига яна бир бор амин бўлади.

Ўтган йилнинг январь ойида давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қишлоқларимизнинг замонавий архитектура нуқтаи назаридан режалаштирилиши, қишлоқ жойларда уй-жой ва ижтимоий объектлар қурилишини лойиҳалаштириш ва бунёд этиш тизимини такомиллаштириш, «Қишлоққурилишлойиҳа» институтини ташкил этиш бўйича қарор қабул қилинганди. Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ тайёргарлик ва қурилиш ишларини бажариш учун ташкил этилган "Қишлоққурилиш инвест" инжиниринг компанияси бугун мамлакатимизнинг турли ҳудудларида самарали фаолият олиб бормоқда.

3 »

МУЛОҲАЗА

ЎЗИМИЗ УЧУН ЯХШИЛИК

Бир куни бозорда "майда-чуйда" харид қилиб юрсам, 25-30 ёшлар чамасидаги икки савдогар баҳслашаяпти. Бири иккинчисига:

— Эй, ошна, бу янги товар. Англияники, — деса, иккинчиси: — Йўқ, оғайни, бу товар Буюк Британияники, — деб ўз гапини маъқуллаяпти.

Аввалига булар ҳазиллашишаяпти, деб ўйладим. Кейинроқ билсам...

Тан олишимиз керак, бугун кўпчиликнинг иқтисодий аҳволи анча дуруст бўлса-да, китоб ёхуд газета-журнал харид қилишга унчалик ошиқмайди. Бундайлар ҳали ҳам яшашдан мақсад — яхши еб-ичиш, деб билади, шекилли.

Ахир, ҳаётда пулга сотиб олиш мумкин бўлмаган дўстлик, виждон, ор-номус, муҳаббат сингари қадриятлар ҳам бор-ку! Ҳали қўрқувни билмайдиган гўдакка чаён билан чивиннинг фарқи йўқ. Чаённинг чақишидан қўрқадиган одамга у хавфли туюлиши мумкин, аммо унинг захрига қарши муолажа усулини билганлар учун хавотирга ўрин йўқ. Биргина шу мисол ёрдамида билимнинг инсон ҳаётида муҳим аҳамият касб этишини англаш қийин эмас.

— Шу пайтгача на вақтнинг қадрига, на бахтнинг қадрига етганни учратмадим, — деган эди руҳшуносларидан бири. — Эҳ-ҳе, одамлар умрини нималарга сарф этмайди? Агар барчасини ҳисоб-китоб қилиб чиқсангиз борми, энг ақлли зот — инсон, деган нақлга ишонмай қўясиз.

Ҳақиқатдан ҳам одамзот ҳамма нарсага вақт топади: телесериаллар томошасию муҳокамаси, маҳалласидаги, ишхонасидаги машмашалар тафсилоти, таниш-билишлари ҳаётидаги ўзгаришлар, ҳар хил ғийбатлар... Бу рўйхатни анча давом эттириш мумкин.

2 »

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ БИРИНЧИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Бошланиши 1-бетда.)

Давлатимиз раҳбари ана шундай тажрибани орттиришда, Сенат қўлга киритган барча ютуқларга муносиб ҳисса қўшган, бу борада ўзини аямасдан меҳнат қилган Сенатнинг олдинги таркиби аъзоларига чуқур миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистонимизни ҳар томонлама тараққий эттириш билан боғлиқ улуғвор вазифаларни амалга оширишда, юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида хизмат қилишда барчангизга чин қалбимдан катта муваффақият ва янги омадлар тилайман, деди Президентимиз.

Ўтган давр мобайнида Сенат аввало олий вакиллик органи сифатида Ватанимиз олдида турган юксак мақсадларга эришиш, умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигини таъминлаш, Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинадиган қонунларни кўриб чиқиш ва маъқуллаш, қонун ҳужжатларида белгиланган қоида ва талабларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича катта ишларни амалга оширганини таъкидлаш лозим.

Мамлакатимиз раҳбари Сенат фаолиятида йўл қўйилган айрим камчиликлар, эътибордан четда қолган масалалар, унинг олдида турган энг муҳим вазифалар ҳақида ҳам тўхталиб ўтди.

Ўз ишимизга ўзимиз танқидий баҳо бермасдан туриб, янгитдан шаклланган Сенатнинг вазифалари, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ислоҳотларимиз самарасини таъминлаш, бир сўз билан айтганда, бугун ҳаётнинг ўзи талаб қилаётган устувор йўналишларни белгилаб олиш мумкин эмас, деб таъкидлади Президентимиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида"ги қонуннинг 4-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси ва унинг ўринбосарлари лавозимларига номзодларни тақдим этди.

Сенат аъзолари яширин овоз бериш йўли билан Сенат Раиси лавозимига Илгизар Собировни, Раис ўринбосарлари этиб Мавжуда Ражабова ва Муса Ерниязовни сайладилар.

Мажлисга раислик қилувчининг таклифига биноан сенаторлар Сенат қўмиталарини ташкил этдилар ва уларнинг раисларини сайладилар. Шунингдек, Олий Мажлис Сенатининг Регламент ва этика масалалари бўйича комиссияси ҳам тузилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлиси ниҳоясига етди.

"КАМОЛ ЭТ КАСБКИМ..."

(Бошланиши 1-бетда.)

Ул зотнинг ҳаётлари, бутун умрлари, тирикликдаги барча амалларию чексиз уммондай бетимсол ижодлари инсон комиллигининг олий намунаси, биз — бугунги ва келажак авлодлар ҳар қанча ўргансак, ибрат олсак, муносиб бўлишга интилсак арзийдиган олий даражадаги ҳам самовий, ҳам дунёвий академиядир.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан истиқлолимизнинг илк йили она Ўзбекистонимизда "Алишер Навоий йили" деб аталишида ҳам катта рамзий маънавий-маърифий маънолар, фахру ғуруримиз, орзу ва ниятларимиз ўз мужассамини топган. "Биз қандай улуғ аждодларнинг фарзандларимиз" деган табаррук ғоя миллий мафкурамиз, маънавиятимизда нечоғли муҳим ўрин тутишини мустақиллик йилларида амалга оширилган, бугунги кунда амалга оширилаётган оламшумул ишларимиз кўрсатиб турибди.

Ҳазрат бобомиз йилидан "Баркамол авлод йили"га тинчлик-осойишталикда, тўрт мучамиз соғ, бардам-бақувват, кучғайратга тўлиб етиб келганимизнинг шукронасини изҳор қилган ҳолда, ватандошларимиз, бугунги ёш авлод, фарзандларимиз зиммасидаги катта масъулият, бурч ва вазифаларнинг қўлами ҳамда миқёсини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ лозим. Албатта меҳнату заҳматсиз, ранжу машаққатсиз дунёда ҳеч нимага эришиб бўлмайди. Зукко, ақлли, фаҳм-фаросатли, интилувчан ёшларимиз ҳаётнинг бу қонуниятини жуда яхши билишади.

Улуғ боболаримиз, оламга донғи кетган, зим-зиё дунёни илму маърифат, шеъру ғазал, ҳикмат ва ҳадис зиёлари билан мунаввар этган буюк аждодларимиз пири комиллик бобида ҳозирга қадар ўз баланд мақомларида турибдилар. Биз то шу миллатнинг фарзандлари эканмиз, бизга яратиб берилаётган мислсиз имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда — беназир аждодларимиз даҳосига интилмоғимиз, улардан илм олмоғимиз, биздан сўралаётган ягона тилак, кутилаётган ният ва мақсад — уларга муносиб бўлмоқлик бурчини қойилмақом даражада бажармоғимиз зарур. Биз мамлакат асл Ватанга, элу халқ ҳақиқий миллатга айланиб бораётган улуғвор, залворли йилларни бошдан кечирмоқдамиз. Ҳар бир тонг, ҳар бир кун Яратганнинг хушхабарларидай эзгулик, омонликнинг шуълаларига чулғаниб ҳаётимиз, умримизга янги-янги мазмун ва маънолар бахш этмоқда.

Дунёда ҳамма нарса эскиради. Кийим-бош, пойабзал, техникаю жиҳозлар, не-не буюмлар-у, бинолар эскиришга маҳкум. Лекин Ватан эскирмайди, эл-юрт кўҳнармайди. Одам болаларининг эзгу ишлари, демакким, Яхшилик эскирмайди. Бугунги ёшларимиз эгаллаётган илму маърифатнинг ҳар бир зинаси, ўқилаётган ҳар бир китоб Ватан равнақи, авлодлар камоли йўлида тиклаётган нурли кўрғонларимизга олтин ғиштлар бўлиб қўйилмоғи шак-шубҳасиздир.

Ярқираб тургувчи Оқсарой мисол,
Кетмас давлатингнинг
пешонасидир.
Шаъну шавкатинг ҳам
давру давронинг,
Фахру ғуруринг нинг замонасидир.

Бунда Ватан дея ўсгувчи ҳар дил
Юртнинг бир қалъаси,
кошонасидир.
Ору номусингдан қурган
қўрғонинг –
Ўғил-қизларингнинг замонасидир.

Сирожиддин САЙЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг нечоғли оқилона экани ҳозирги пайтда кўзга янада яққолроқ ташланаяпти. Марказий Осиёда кабель-ўтказгич маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича энг йирик ҳисобланган "Ўзкабель" очиқ акциядорлик жамияти фаолияти бунга ёрқин мисол бўла олади. Бу ерда экспорт ҳажми 4 миллион 600 минг АҚШ долларини ташкил этгани ва ишлаб чиқаришга 2 миллион АҚШ доллари миқдорида чет эл сармояси жалб қилингани алоҳида эътиборга лойиқдир.

Жаҳонни лол қолдирамиз

Мазкур корхона давлат тасарруфидан чиқарилаётган пайтда инвесторлар зиммасига 2004-2009 йиллар ичида 16 миллион 800 минг АҚШ доллари миқдорида сармоя киритиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва импорт ўрнини босувчи бир неча турдаги халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш вазифаси қўйилганди. Таъкидлаш жоизки, бу пайтгача республикамизда кимёвий бўёқлар ишлаб чиқарилмас, у, асосан, четдан келтирилар эди. Корхонада бу ишга қўл урилгач, валютани тежаш билан бирга қўшимча иш ўринлари яратилишига ҳам эришилди. Кабель тайёрлаш цехларининг техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланиши йўлга қўйилди. 16 минг тоннадан ортиқ импорт ўрнини босувчи бўёқлар ички бозорга чиқарилди.

Корхона муҳандисларининг айтишларича, кабель-ўтказгичлар ишлаб чиқариш жуда мураккаб ва масъулият талаб этадиган жараёндир. Маҳсулот қанчалик сифатли бўлса, истеъмол бозорида рақобатбардошлик кўрсаткичлари шунча ортади. Юқори сифатли саналган бу маҳсулотларга нафақат энергетика ёки телекоммуникация, балки авиа, машинасозлик, нефть-газ, темир йўл, кон-металлургия, қишлоқ хўжалиги ва енгил саноат тармоқларида ҳам талаб ниҳоятда катта.

Бугунги кунда кўплаб хомашё ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бунинг шарофати туфайли 100 дан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилиб, экспортбоп қурилиш ва кабель маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

"Ўзбекэнерго" ДАК томонидан 2009-2015 йилларда электр энергетикасини янада ривожлантириш ва модернизациялаш дастури қабул қилинган. Бунинг натижасида 2015 йилга қадар режалаштирилаётган энергиянинг солиштирма сарфи 342,2 г.квт соатгача пасайиши билан бирга электр энергиясини ишлаб чиқариш ҳажми 50,5 млрд. квт соатгача ўсиши таъминланади.

Ана шу эришилган ютуқларнинг барчаси республикамизда таркибий қайта ўзгаришлар ва иқтисодиётни диверсификациялаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва техник жиҳатдан янгилаш, корхоналарни, тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш орқали уларнинг барқарор ишлаши амалга оширилганининг натижасидир.

Бунга мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ жиддий эътибор қаратилгани ўз самарасини бермоқда. Бундай ижобий силжишлар биз ёшларнинг ҳам ўз интеллектуал салоҳиятимизни намоён қилишга даъват этади.

Ботир ҲАМИДОВ,
ТДИУ талабаси.

ҲУҚУҚ

Ёшлар тарбиясида мустаҳкам пойдевор

Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш давлатимиз раҳбарининг ҳар доим диққат марказида бўлиб келган. Президентимизнинг "Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида"ги Фармони бу борадаги вазифаларни белгилашда дастуриламал бўлиб келмоқда.

Барча ўқув юртларида, мактабгача таълим муассасалари ва мактабларда Ўзбекистон Конституцияси ва ҳуқуқ ҳақида болаларбоп билимларни ўргатиш, ҳуқуқга оид фанлардан имтиҳонлар жорий этиш, адлия, одил судлов, прокуратура, ички ишлар органларининг иш тажрибаси юзасидан учрашув ва мулоқотларни ташкил этиш ёшлар ҳуқуқий онгини юксалтиришнинг муҳим омилларидир. Бу масалага Наманган вилояти адлия бошқармаси ҳам алоҳида ёндошиб келаётир. Ва йил сайин бу тажриба ўзининг ижобий самарасини бериб келмоқда.

Биргина ўтган йил мобайнида бошқармамиз томонидан 2543 та ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказилди. Уларнинг 147 таси Президентимизнинг 2001 йил 4 январдаги "Конституцияни ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги Фармойишидан келиб чиққан ҳолда Бош Қомусимизни ўрганишга қаратилди. 151 таси эса аҳоли ўртасида Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги "Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида"ги қарорида белгиланган вазифаларнинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилишга, шунингдек, вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, ёшларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мавзуларида ўтказилди.

Бир сўз билан айтганда, ўтказилган тарғибот ишларининг барчаси ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга йўналтирилган. Бу сингари тадбирлар ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг, одоб-ахлоқимизга зид хатти-ҳаракатларнинг олдини олишда ҳамда уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ўстиришда ижобий самара бермоқда.

Қонунни ҳурмат қилиш ва унга итоат этиш ҳуқуқий маданиятнинг асосий белгиси саналади. Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришдан мақсад уларнинг қонун талабларини онгли равишда бажаришларига эришишдир. Зеро, ҳуқуқий онг ва маданиятнинг юқори даражада уйғунлашуви ёшлар тарбиясининг мустаҳкам пойдевори ҳисобланади.

Жамшид НУРИТДИНОВ,
Наманган вилояти адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари.

ЎЗИМИЗ УЧУН ЯХШИЛИК

(Бошланиши 1-бетда.)

Фақат у тафаккур дунёсини бойитиш учун вақтини қизғанади ё имкон топмайди ёки буни хоҳламайди.

Талабалик давримизда ўқитувчимиз биз шогирдларининг ўқишимиздан кўнгиллари тўлмай куюниб, насиҳат қилардилар: — "Илгари биз янги китоб келди дегунча, китоб дўконига навбатда турар эдик. Агар янги китоб қўлимизга тушиб қолса, ҳавонинг совуқ-иссиқлигини, қорнимизнинг оч-тўқлигини унутиб, китоб ўқишга киришардик. Одамлар кўча-кўйдами, поезд ё метродами, қаерда бўлмасин, китоб, газета ўқиб юришарди".

Шунда орамиздан биттаси:

— Домла, ҳозир ҳам деярли шундай-ку, кимни қараманг, қўлида газета, кроссворд-сканворд ечаётганини кўрасиз.

— Ҳа...Бироқ сўз топиш учун бош қотириш бошқа, янгилик олиш, тафаккур қилиш бошқа машғулот-да!

Китоб дўконларини айланаман. Афсуски, аксарият китоб дўконлари ўқув дарсликлари билан тўла. Бадиий жиҳатдан етук асарлар, жаҳон адабиёти дурдоналари деярли кўринмайди. (Бу ҳолат, албатта, биз китобхонлар талабига ҳам боғлиқ) Мазмунан саёз, ишқий, жиноят оламига оид мавзудаги китоблар кўп. Зўравонлик, қотиллик, талончиликни акс эттирган асарлар аслида жиноятчилик учун қўлланма вазифасини бажармаяптимикан, деган ўйга борасан киши.

Ҳозир баъзи ўқувчилардан: "Фалон китобни ўқиганмисиз?" — деб сўрангиз, "Киносини (ёхуд театрини) кўрганман," — деб жавоб қилишади. Бундай ёшларга китоб ўқиш кино ёки саҳна асарини томоша қилишдан кўра завқли экани ҳақида адабиёт муаллимлари тушунтиришмаганмикан? Бутун бошли романдаги туйғу ва кечинмаларни режиссёр бир ярим соатлик экран ёки саҳна асарига жойлаштира олмаслигини, саҳнада романдаги ҳаракат ва сўзлашувларгина ўз аксини топишини англаш учун, наҳотки, кўп ақл талаб қилинади? Китобда қаҳрамоннинг фикр ва ҳис-туйғулари сўзлар воситасида ўқувчининг маънавий-бадиий дунёқарашини ривожлантиради.

Боланинг баркамол шахс бўлиб тарбияланишида, албатта, мактабларнинг ўрни ва аҳамияти катта. Бироқ масъулияти юксак масканларнинг ҳаммасида ҳам маънавиятга дахлдор ишларни кўнгилдагидек деб бўлмайди. Мактаб кутубхоналарининг аҳволи, ўқувчиларнинг китоблардан фойдаланиши мақтанарли даражада эмас. Баъзан ўқувчиларнинг мактаб ҳовлисида футбол ўйнаётганидан хурсанд бўласиз. "Ҳозир жисмоний тарбия дарси ўтилаяптими?" — деб сўрасангиз, "Фан ўқитувчимиз йўқ эди, шунинг учун...", — дея жавоб қилишади. Ўқувчиларни дарсдан бўш пайтларида кутубхона ёки турли тўгаракларга жалб қилиш орқали уларда китоб ўқиш кўникмасини ривожлантириш мумкин-ку?!.

Болани китобга қизиқтиришда, энг аввало, ота-оналар, кейин ўқитувчилар масъул. Оила аъзолари ва муаллимлар китобхонликнинг бола маънавиятидаги аҳамиятини кўпинча яхши англайдилар-у, аммо уни амалда қўллашга келганда, жонбозлик қилишнинг уддасидан чиқа олмайдилар. Китоб мутолааси билан шуғулланишни нафақат ёш болалар, балки баркамол авлодни вояга етказишда ўзларини масъул деб билган катталар ҳам муҳим вазифа деб билсалар, ҳаммамиз учун яхшилик қилган бўлардилар, деб ўйлайман.

Хуршид ФАЙЗИЕВ,
"Халқ иродаси" газетаси муҳаррири.



Иш ўринлари яратилди

"Турон банк" очиқ акциядорлик тижорат банкнинг Бухоро вилояти филиалидан 700 млн. сўмлик кредит расмийлаштирган "Бухоро-Карпет" қўшма корхонаси гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, Бухоро туманидаги Работи Қалмоқ ҚФЙ "Деҳча" қишлоғидаги 150 нафар кишини доимий иш билан таъминлади.

Эндиликда корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг аксарият қисми экспортга чиқарилиб, қолгани мамлакатимиз ички бозорининг ушбу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондиришга сафарбар этилаяпти.

Шавкат НОСИРОВ,
"Hurriyat" мухбири.

Йўл қурилиши жадал кетаяпти



"Қўнғирот-Бейнов" халқаро автомобиль йўли қурилишида йўлсозларнинг ҳиссаси катта бўлаяпти. Масалан, ўтган йили мазкур қурилиш бўйича 2 миллиард 175 миллион сўмлик иш бажарилиб, йиллик режа 100 фоизга адо этилди. Пировардида, 11400 куб метрдан кўпроқ тупроқ ишлари амалга оширилди ва 104 километр масофадаги йўлга асфальт ётқизилди.

Жорий йилда ҳам бу жараён жадал суръатларда давом эттирилмоқда.

Ғойиб ЁҚУБОВ,
"Hurriyat" мухбири.

Босмахона ишга тушди

Яқинда Самарқанд шаҳрида "Эрудит" МЧЖ ижодий маркази ёрдами билан "Ношир-Люкс" хусусий корхонаси қошида янги босмахона иш бошлади. Босмахона "Ўзбеклизинг интернейшэнл" қўмитаси Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган "STAR —20". Duptex V-20" маркали матбаа ускуналари билан жиҳозланди. У соатига 20-30 минг босма табоқ ҳажмида газета ва журналларни босмадан чиқариш имкониятига эга. Ҳозирда Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Жиззах, Навоий, Сурхондарё, Тошкент вилоятларидан буюртмалар қабул қилиниб, 23 турдаги газета ва журналлар чоп этилмоқда.

Убайдулла ХЎЖАНИЁЗОВ,
"Hurriyat" мухбири.

Истеъмолчи ҳуқуқи доимо эътиборда

Куни кеча Сайидо Насафий номли Қашқадарё вилояти ахборот кутубхона марказида вилоят истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмасининг навбатдаги конференцияси бўлиб ўтди.

Унда вилоят адлия бошқармаси, вилоят монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармаси, вилоят стандартлаштириш ва метерология бошқармаси, Қашқадарё синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси ҳамда вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази раҳбарлари ва мутахассислари, туман, шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари конференцияларида сайланган вакиллар иштирок этишди.

Ғулом АБДИЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

Кредит маблағлари ажратилмоқда

Миндон Фарғона туманининг энг йирик қишлоқларидан бири ҳисобланади. Бу ерда 16,5 минг нафар аҳоли яшайди ва асосан деҳқончилик билан шуғулланади. Қишлоқ ёшларини маҳаллий инфратузилма таркибига кўпроқ жалб этиш ва янги иш ўринлари билан банд этиш Миндон қишлоқ фуқаролари йиғини томонидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режасининг асосий мазмунини ташкил этади.

Шунга кўра, бу ерда фаолият юритаётган пахта ва ғаллачилик, боғдорчилик ва чорвачилик йўналишидаги фермер хўжаликлари, шунингдек, нон ва қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, автотеххизмат ва табиий неъматларни етиштирувчи тадбиркорлар ҳамкорлигида ишлаб чиқилган дастур амал қилмоқда. Кейинги беш-олти ойнинг ўзидаёқ 100 нафарга яқин ёшлар доимий иш ўрни билан таъминландилар.

Шунингдек, фуқаролар йиғини ҳудудидаги жамики шахсий хўжаликларнинг томорқа ерлари қайта ҳисобга олиниб, улардан йил давомида унумлироқ фойдаланиш, қишлоқ ёшларини деҳқончилик ишларига кўпроқ жалб этиш чора-тадбирлари ҳам ишлаб чиқилди. Чорвачилик, паррандачилик ва тикувчилик билан шуғулланишни истаган оилаларга кредит маблағлари ажратилмоқда.

Солиҳ ҚАҲҲОР,
"Hurriyat" мухбири.

ЖАРАЁН

(Бошланиши 1-бетда.)

Замонавий қишлоқ: КЕЧА ВА БУГУН

Мамлакатимизда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида 2009-2015 йилларда қишлоқ жойларда якка тартибда уй-жой қурилишини ривожлантиришнинг алоҳида режасини ишлаб чиқиш ва 2010 йилда умумий майдони 7 миллион 100 минг квадрат метрга тенг бўлган уй-жойларнинг қуриб фойдаланишга топширилиши кўзда тутилганди. Бу вазифани юксак савияда адо этиш учун эса Юртбошимизнинг 2009 йил 30 мартдаги қарорига кўра, очиқ акциядорлик тижорат «Ғаллабанк» негизида очиқ акциядорлик тижорат банк «Қишлоққурилишбанк» ташкил этилди. Айни пайтда кўпчилик мижозлар унинг хизматидан самарали фойдаланишмоқда. Энг биринчи навбатда қишлоқ ҳудудларида замонавий иморатлар барпо этилиши учун 15 йил муддатга имтиёзли кредитлар бериш, қолаверса, бошқа молиявий хизматлар кўрсатишнинг янги молиявий муассасанинг устувор вазифаси этиб белгиланиши халқимизни ниҳоятда қувонтирди.

Ўтган йили қишлоқ жойларда қурилиш ишларини олиб бориш учун янги ташкил этилган банк орқали қарийб 60 миллиард сўм маблағ сарфланган бўлса, жорий йилда ушбу мақсад учун салкам 530 миллиард сўм маблағ йўналтирилиши мўлжалланган. Шунингдек, бундай кенг кўламли ишларни бажариш учун 670 та ихтисослаштирилган қурилиш-таъмирлаш ташкилоти тузилиб, улар юқори малакали ва тажрибали мутахассис кадрлар билан таъминланди. Турли хил қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган кўплаб янги корхоналар ва заводлар ишга туширилиб, янги иш ўринлари яратилди.

Маълумки, юртимиз бозорларини сархил мевалар-у, полиз маҳсулотлари билан тўлдираётган, тўрт фасл машаққатини елкасига ортиб, кунни тунга, тунни кунга улаб, мўл ғалла, сифатли пахта етиштираётган ва юртимиз аҳлининг эгнини бут, дастурхонини тўкин қилаётган бободеҳқонлар — фермерларимиз ҳам яхши шароитда ҳаёт кечиришни, шаҳар типидаги замонавий, барча қулайликларга эга хонадонларда яшашни орзу қилишади. Айни пайтда қишлоқларга замон нафасини олиб киришнинг имкони туғилди. Энди давлатимизнинг ўзи қишлоқ аҳли, айниқса, ёш оилаларнинг орзулари рўёбга чиқишида бош кўмакчи бўлмоқда.

— Бу қишлоқ аҳлига яратилган жуда катта имконият, — дейди Қашқадарё вилояти Қарши туманида яшовчи Эркин Собиров. — Тошкент шаҳрида ва вилоятларда қишлоқ жойларда қурилиши мўлжалланган уй-жойлар ва ижтимоий объектларнинг намунавий лойиҳалари кўргазмаси ўтказилди. Уни катта қизиқиш билан томоша қилдим. Уларда якка тартибдаги уй-жойлар қурилиши бўйича 22 та, ижтимоий объектлар бўйича эса 16 та намунавий лойиҳа тасдиқланиб, қурилишга тавсия қилинди. Намунавий лойиҳаларда ҳар бир вилоятнинг иқлими, табиий шароити, фуқароларнинг қизиқишлари, ҳатто ҳовлида ҳудудга мос мевали дарахтларнинг экилиши ҳам ҳисобга олингани мени жуда қувонтирди. Беш-олти йил ичида бизнинг қишлоғимиз ҳам шаҳарлардан қолишмайдиган сўлим гўшага айланишига ишонаман.

Айтиш жоизки, қишлоқда уй-жой қуриш учун кредитлар Ўзбекистон Республикасида доимий рўйхатдан ўтган, қишлоқ ҳудудида истиқомат қилувчи 18 ёшга тўлган фуқароларимизга ажратилмоқда. Шунингдек, охирги 12 ой мобайнида доимий иш жойига ва даромадга, тўлов имкониятига эга, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромад манбаига эга бўлган, молиявий муассасалардан қарзи бўлмаган шахслар ҳам бу имкониятдан фойдаланишлари мумкин.

— Жисмоний шахсларга намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизи миқдоридаги фоиз ставкаси билан энг кам иш ҳақининг 1000 баробари миқдорида 15 йил муддатга имтиёзли кредитлар ажратади, — дейди "Қишлоққурилишбанк" очиқ акциядорлик тижорат банкининг қишлоқ қурилишини кредитлаш бошқармаси бошлиғи Зулайҳо Жўраева. — Дастлабки икки йилда банк кредитлари ҳисобидан қишлоқ аҳоли пунктларида 9,5 мингга яқин замонавий турар жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилади.

Кредит олиш учун фуқаро, аввало, ўзи истиқомат қиладиган вилоятдаги "Қишлоққурилиш инвест" инжиниринг компаниясининг филиалига ариза билан мурожаат қилиши лозим. Шартнома тузилгандан сўнг фуқаро ипотека кредитини расмийлаштириш учун яшаш жойига яқин бўлган "Қишлоққурилишбанк"нинг туман (шаҳар) филиалига мурожаат қилади.

Мазкур қулайликлардан фойдаланишни хоҳлаган фуқаролар бир қатор талабларни бажаришлари лозим. Хусусан, қурилаётган уй-жой смета қийматининг камида 25 фоизи миқдорида бошланғич бадалга эга бўлиши керак. Бадал ўрнига шу сумма миқдоридаги қурилиш материалларини таклиф қилишлари ҳам мумкин. Айни пайтда битта замонавий типдаги уйни қуриш учун тахминан 70 миллион сўм сарфланадиган бўлса, унинг 25 фоизи 17 миллион 500 минг сўмни ташкил қилади. Албатта, уй қуришни режа қилганларнинг барчасида бу маблағ бўлмаслиги мумкин. Шу боис молиявий муассасада «Қурилишга сармоя» — мақсадли жамғариб бориладиган омонат тури жорий этилган. Унга Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 150 фоизи миқдорида (21%) йиллик даромад тўланади. Бу омонатга маблағ қўйган шахснинг жамғармаси олинадиган кредит миқдорининг камида 25 фоизига етганда, у кредит олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Мижозларнинг дастлабки олти ой давомида кредитнинг асосий қисмини тўлашдан озод этилгани ҳам бунёд этилаётган уйни тез, сифатли қуриб битказишга имкон беради. Ўй-жой нархини янада арзонлаштириш мақсадида махсус қурилиш-монтаж ишларини бажаришга ихтисослашган қурилиш ташкилотлари томонидан пудрат усулида ҳамда хўжалик усулида ёки, халқимиз аньаналарига кўра, ҳашар йўли билан қуришга ҳам имконият яратилган. Агар фуқаролар уй-жойни ўз кучи билан қуришни ният қилган бўлишса, уларга шартномада кўрсатилган ипотека кредити суммасининг 20 фоизигача миқдорда нақд пул, шунингдек, бошланғич бадал тарзидаги омонат қўйилмасида тўпланган маблағлар берилади. Молиявий муассасадан олинган қарзни қайтаришда ҳам мижозларга бир қатор енгилликлар жорий қилинган. Масалан, тўловлар фермер хўжаликларининг йил якунига кўра олинадиган даромадлари ҳисобидан пул ўтказиш йўли билан ҳам амалга оширилиши мумкин. Агар белгиланган муддат тугамасидан олдин кредит тўланса, воситачилик тўлови ундирилмайди.

Юртимизда айни пайтда — қиш кунларида ҳам қишлоқ аҳолиси учун мўлжалланган кўркам ва шинам турар жойлар қурилиши давом этаяпти. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда эксперимент тариқасида 840 та якка тартибдаги уй-жой барпо этилмоқда ва уларнинг дастлабкилари мамлакатимизда баҳор насимлари эсиб, Наврўз айёми кириб келганида, қолгани эса давлатимиз мустақиллигининг 19 йиллиги тантаналари нишонланаётган кунларда ўз эгаларига топширилади.

Дарҳақиқат, халқимизнинг тўйлари тўйларга уланади. Янги йилда кенг кўламда давом эттирилаётган бунёдкорлик ишлари янада шижоат билан, энг асосийси, изчил равишда давом эттирилишига шубҳа йўқ.

Иномжон АБДИЕВ

ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ

Рим шаҳрининг рамзи

Инсоният ерни бурғулаш йўли билан 12 км.гача қазиб бора олади, холос! Ундан у ёғига юқори ҳарорат туфайли одамзотга таниш бўлган ҳар қандай металл ҳам дош бера олмайди!

Инсонлар суваракларни йўқотишга қарши курашиб, қанчадан қанча дори воситалари ишлаб чиқармасин, улар барибир йўқолмаяпти. Маълумотларга кўра, суваракла р 400 миллион йилдан бери яшаб келмоқда!

Динозаврлар («бадбашара, хунук махлуқ» деган маънони билдиради) ер юзида энг узоқ умр кўрган ҳайвонлардир.

Мао Цзедун (Хитой)нинг «Танланган асарлар»и 800 млн. нусхада чоп этилган.

Рим шаҳрининг рамзи — она бўри. Берлинники — катта айиқ, Парижники — оқ елканли кема, Бангкокники — чиройли фаришталар, Қоҳираники — Нил дарёси, Нью-Йоркники — Озодлик маъбудаси ҳайкали.

И.АБДИЕВ тайёрлади.

ТИББИЁТ

ФИДОКОР ИНСОНЛАР МАСКАНИ

Дунёда шарафли касблар кўп. Масалан, улардан бири — шифокорликни олсак, бу касбни ардоқлаб яшаётганлар ҳам юртимизда бисёр. Бундай инсонлар ҳалол меҳнати боис эл-юртда қадр-қимматини топади.

Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли онкология диспансери бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди Тўрақул Холиқовни шундай инсонлардан бири десак, янглишмаймиз. Унинг қўлида шифо топиб, дуо қилиб яшаётган одамлар кўп.



— Мамлакатимизда барча соҳалар сингари тиббиётга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда, — дейди олий тоифали жарроҳ Тўрақул ака. — Мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш тизими тубдан ўзгарди. Биргина воҳамизнинг ўзида ўнлаб янги шифохоналар қурилди, замонавий тиббий ускуналар олиб келиб ўрнатилди. Айниқса, Юртбошимиз раҳнамолигида соҳага алоҳида ғамхўрлик кўрсатилаётгани эътирофга лойиқ. Билимли, малакали шифокор кадрларни тайёрлашга талаб ҳам, эътибор ҳам ошди. Бу халқимиз саломатлигини тиклаш йўлида соҳада изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли рўёбга чиқмоқда, десак, айни ҳақиқат бўлади. Жумладан, онкология диспансеримиз ҳам бундай имкониятлардан унумли фойдаланиб, халқимиз саломатлиги йўлида хизмат қилиб келмоқда. Шифохона 120 ўринга мўлжалланган. Бу ерда кўплаб малакали жарроҳлар, ҳамширалар фаолият кўрсатишади. Жарроҳлик амалиёти олиб бориладиган хоналар ҳукуматимиз томонидан керакли тиббий аппаратлар, зарур асбоб-ускуналар ва дори-дармонлар билан таъминлангани касалликларнинг турини аниқлаш ва даволашда бизга қўл келмоқда. Энг қувонарлиси шундаки, инсон танасидаги турли доғлар, ичак, ўпка, ошқозон, нафас йўлларидаги хавфли ўсмалар мураккаб жарроҳлик усули ёрдамида бартараф этилмоқда.

1992 йилда «Маҳаллий тарқалган ошқозон ости бези ракини музлатиш йўли билан даволаш» мавзусида илмий ишимни ҳимоя қилгач, вилоят онкология диспансерида хирург-онколог вазифасида иш бошлаган кезларимда касалхонага бир беморни олиб келишганди. Аҳволи оғир. Зудлик билан операция қилиш керак. У ҳам бўлса, ошқозон ўсмаси билан боғлиқ. Ҳар лаҳза ғанимат. Ўйлаб ўтиришга вақт йўқ. 7 соат тик оёқда мустақил операция қилиб, беморнинг ошқозони ўрнига оч ичакдан сунъий ошқозон ясаб қўйишимга тўғри келганди. Шундан кейин ҳам жуда кўп жарроҳлик амалиётларини ўтказдик. Аммо ҳозир ҳам операцияга киришдан олдин ҳаяжон, масъулият, сўнг тузалиб оёққа турган беморларнинг миннатдорчилиги... буларни сўз билан ифодалаб бўлмайди.

Куйгандан кейин ҳосил бўлган чандиқдан ривожланган тери саратони ҳар хил ўсмаларни келтириб чиқариши мумкин. Буни жарроҳлик йўли орқали бартараф этган билан танада қолган асоратини буткул йўқотиб бўлмасди. Лекин кейинги пайтда амалга оширилаётган мураккаб операциялар жараёнида бундай муаммолар ҳам бартараф этилмоқда.

Шифокорнинг инсон саломатлигини асраш, дарднинг олдини у бошланмасидан олдин олиш қоидаларига амал қилиш ҳақида куюниб айтган гаплари эътиборлидир. Буни жарроҳлик столига ётиб кўрган беморларнинг ҳаёт йўли кўрсатиб турибди.

— Инсон ўз соғлиги ҳақида доимо қайғуриши керак экан. Буни кеч англаганим боис 2-3 йилдан буён шу шифохонага келиб даволанаман, — дейди Қарши шаҳридан Нилуфар опа Ҳакимова. — Мени касалхонага жуда оғир аҳволда олиб келишганди. Ошқозонимдаги оғриқ туфайли томоғимдан сув ҳам ўтмай қолганди. Айниқса, тундаги оғриқ, тонгдаги хуружга тоқат қилиб бўлмасди. Онам 4 ярим соатда операциядан чиқиб, 9 соат реанимация бўлимида ётганимни айтганларида қўрқиб кетгандим. Шундан сўнг астасекин оёққа турдим. Ҳозир анча яхшиман. Йил бошида яна бир бор шифокорлар назоратидан ўтгани келдим. Текширувлар натижаси чиқиши билан яна оилам бағрига қайтаман. Чорасиз дардимга малҳам топиб, ҳаётимни қайтариб берган шифокорлардан умрбод миннатдорман.

Ҳа, инсон соғлом, кўнгли хотиржам бўлсагина, ҳаётга, яшашга ҳаваси ортади. Эзгу мақсадларини амалга оширишга интилади.

— Умрнинг ҳар дақиқаси бахт экан. Буни 50 ёшимда ичак ва ошқозон яраси туфайли соғлигим ёмонлашиб қолганида ҳис этдим, — дейди Ғузор туманидан Тўхтатош опа Қаршиева. — Дастлаб шифокор-мутахассисларнинг даво муолажалари яхши натижа бермади. Умидларим саробга айланди. Яқинларим ҳаётимни сақлаб қолиш илинжида шифокор излаб юрган кунларининг бирида газетадан Тўрақул Холиқовнинг меъда ости саратонининг маҳаллий тарқалган формасини крионур терапия усулида даволаш ҳақидаги мақоласини ўқиб қолдик. Мақола менда ҳаётга умид учқунларини уйғотди. Даволаниш учун Қаршига йўл олдим. Мени Тўрақул аканинг шахсан ўзлари операция қилдилар. Ичимдан 3 килограммга яқин карамсимон яра олишибди. Операциядан сўнг узоқ умр кўришимни айтишди. Бундан жуда қувондим. Шунда инсон учун дунёда энг катта бойлик соғлиқ эканига яна бир бор амин бўлдим. Мени ҳаётга қайтарган мазкур шифохонанинг барча ходимларига оилам номидан самимий миннатдорчилигимизни изҳор этаман.

Ҳа, Тўрақул Холиқов раҳбарлик қилаётган шифо масканида шифокорларнинг беморлар билан, аввало, хушмуомалада бўлиши сўнаётган умид билан келаётганлар қалбида яшашга, ҳаётга ҳавас уйғотмоқда.

Адиба БОЙИТ қизи

Таҳририятга хатлар

ТАРБИЯНИНГ АҲАМИЯТИ

Мактабда ўқиб юрган пайтларимизда бир синфдошимиз уйга кетар маҳали безовталана бошларди. Онасининг аччиғи тезлигидан ҳатто охирги соатда ўтиладиган дарсга ҳам кирмас эди. Озгина кечиккудай бўлса, онаси ҳалпослаб мактабга келар ва ўғлини тенгқурлари олдида роса изза қиларди. Ўша аёлнинг ўз фарзандини бирор марта "ўғлим" деб меҳр билан гапирганини эшитмаганман. Аъло баҳоларга ўқийдиган бу синфдошимиз охири ўқишни ҳам ташлаб кетди. Новвойга шогирд тушиб, нон ёпа бошлади. Унга энди ҳаётнинг қизиғи йўқдай эди.

Баъзида ўйлаб қоламан: агар ўша пайтда аёл ўзини чиракам онадай тутиб, ўғлига яхши гапирганида, тенгқурлари олдида изза қилмасдан, унга меҳр кўрсаттанида, балки синфдошимизнинг ҳаёти умуман бошқача бўлармиди. Ахир "Ширин сўз — жон озиғи", деб бекорга айтишмайди-ку.

Чарос НИЗОМИДДИНОВА
Фарғона вилояти.

МУҲИМ МАНБА

Достонларда халқнинг қадим кечмиши, минг йиллар давомида шаклланган турмуш тарзи, ҳаёт тажрибасидан ўтган анъана ва қадриятлари ўз аксини топади. "Алпомиш" достони ҳам ўзбек халқининг этник тарихи, уруғ-қабилачилик муносабатлари, илк никоҳ шакллари, маданий ва маънавий турмуш анъаналарини ўрганишда қимматли манбадир.

Достонда никоҳ шаклларининг энг узоқ замонларга оид элементларини учратиш мумкин. Масалан, бўлажак куёвнинг қаллиқ кўргани борини ёки унаштирилган куёвнинг тўйдан олдин келин билан учрашиб юриши каби одатлар аслини олганда ибтидоий никоҳ шаклларини, яъни матриархат типидаги никоҳни эслатади.

"Алпомиш"да никоҳнинг энг кўҳна шаклларидан бири бўлган кўп эрлик никоҳ ҳам ўз аксини тошган. Чунончи, достонда шундай сатрлар бор: "Кўкаман алп туриб айтди: — Бундай далада чатоқ қилиб юрганимиз бўлмас, юринглар тўқсонимиз ҳам борайлик, ўзбакнинг қизини ё биримиз олайлик, ё биримиз олайлик. Ўртада жовлик хотинли бўп қолайлик". Луғатларда "жовлик" сўзи "ҳамма", "еўшасига", "бирданига" деган маъноларни англатади деб ёзилган. Ушбу парча эса Суҳайл кампирнинг етти ўғлининг ҳаммаси бирданига Барчинга уйланиш истагида бўлганини билдиради. Худди шу мақсадда Кўкалдош бошчилигидаги 90 алп Бойсариникига боради: "Алплар тўбалашиб турди... Тўқсон алпнинг зўри Кўкалдош туриб айтди: — Келган бой, сенинг бир қизинг бор экан, қани биримизга берасанми, биримизга берасанми? Биримиз олайликми ё биримиз олайликми, ё ўртада хотинлик бўп қолайликми?". Ушбу парча ҳам юқоридаги фикрнинг исботидир. Бундай гуруҳ бўлиб никоҳланиш одатлари Ўрта Осиё халқларида илк ўрта асрларда мавжуд бўлгани тўғрисида юнон, хитой ва маҳаллий ёзма манбаларда келтириб ўтилган. Бундан ташқари, "Бейшн" солномасида ҳам эрамизнинг V-VI асрларида Ўрта Осиёда яшаган хунэфталит жамоларида бир неча ога-нни бир хотинга эга экани ҳақида маълумотлар келтирилади. Худди шундай одатнинг Тохаристон аҳолиси орасида борлиги тўғрисида "Суйшу" солномаси ҳам хабар беради. Наршахийнинг гувоҳлик беришича, бундай никоҳ удумлари X асрда Қашқадарё ва Бухорода сақланиб қолган экан. Бу эса, аввало, достоннинг тарихийлиги, хусусан, реал воқеликка муносабати ва бадиий акс эттириш мезонларини ўзида мужассамлаштирганидан давлолат беради.

Бундан ташқари, достонда никоҳ тўйи билан боғлиқ "тўққиз товоқ", "қиз оқчоғи", "қиз суйлатар", "кампир ўлди", "ит ириллар", "чоч сийпатар", "қўл ушлатар", "куёв товоқ", "куёв улоқ", "эрга кўрсатди" каби расм-русумларнинг тасвирланиши ҳам этнографик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга.

Наргиза ҲУСАНОВА
Қашқадарё вилояти.

ЕРТЎЛАДАГИ КУТУБХОНА

Мактабда ишлаб юрган кезларим эди. Кунларнинг бирида директоримиз мени ҳузурига чақириб деди:

— Сиз тарихга қизиқасиз. Хориждан бир гуруҳ мутахассислар — қадимшунос олимлар келишган. Айтишларича, Қизилқия қишлоғига йўл олишади. Сиз ҳам улар билан бирга борасиз. Хуллас, мезбонлик, йўлбошловчилик вазифаси сизга юклатилади.

Қизилқия қишлоғидаги қабристоннинг қоқ ўртасида бир ертўла бор экан. Мана шу ертўлада ўтган асрнинг 30-50-йилларида китоблар сақланган. Одамлар шўролар тузумидан қўрқиб, кечалари ертўлада шам ёруғида китоб ўқишган экан. Қўлга тушиб қолиш хавфи туғилганида, китобларни олиб чиқиб кетиш учун у жойдан ер ости йўлаги қазилган экан. Бу ҳақда бизга қишлоқнинг кекса отахонларидан бири гапириб берди.

Афсуски, кечиккан эканмиз, йиллар мобайнида асл кўринишини йўқотган ертўлани қазиш ишларидан бирон наф чиқмади. Китоб қўйишга мўлжалланган токчалар бор, лекин китоблар йўқ. Кейин сўраб-суриштириб билсак, 60-70-йилларда бу ерга Москвадан археологлар келиб, ертўладан нималарнидир олиб кетишган экан. Лекин маҳаллий аҳоли бундан бохабар бўлмаслигини таъминлаш учун уларни қабристонга яқин йўлатишмаган экан. Каминани ўша — қитғон йилларида ҳам одамларнинг китобларга бўлган меҳр ва қизиқишлари ҳайратга солди.

Суюндиқ МАМИРОВ,
Жиззах вилояти.

КЎКТОШНИНГ ШИФОБАХШ ХУСУСИЯТИ

Халқ ривоятларида Самарқанд вилоятининг Қўшробот туманида жойлашган Жўғи қишлоғининг номланиши қуйидагича изоҳланади: айтишларича, Искандар Зулқарнайн шу жойдан қўшин тортиб ўтганида, унинг кўзларига бу жой жўш урган дарё бўлиб кўринибди. Шундан сўнг бу ҳудуд шу ном билан атала бошлабди. Айтишларича, қишлоқ ўтмишда 360 даҳадан иборат бўлиб, аҳолиси эпчил, сўзга чечан бўлган экан. Машҳур ўзбек бахшиси Эргаш Жуманбулбул ўғлининг аждодлари ҳам шу ерлик. Аслида бу қишлоқ жойлашган ерга буюк фотиҳнинг борган-бормагани аниқ эмас. Бироқ Самарқанд шаҳри биқинидаги Афросиёб харобалари Искандар юришлари билан боғланган сабабли Жўғи қишлоғининг номи ҳам македонялик саркарда номи билан изоҳланади.

Халқ ўртасида турли кўл, дарёлар, шунингдек, ғайритабиий шакл ва рангдаги улкан тошларнинг номланиши изоҳловчи ривоятлар ҳам кўплаб яратилган. Улардан бири "Кўктош" ҳақидаги ривоятдир. Жўғи қишлоғидаги жомъе масжидининг олдида узунлиги одам бўйи келадиган Ғазнининг кўк тоши бор. Халқ орасида бу тош бир кечада пайдо бўлган, деган ривоятлар бор. Уни шифобахш хусусиятга эга деб ишонувчи маҳаллий аҳоли ҳозир ҳам айрим кўнгўтал бўлиб қолганларга тошнинг устидаги чуқурчага сув қуйиб ичиришади.

Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА,
ЎзМУ талабаси.

ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ

МУНОСАБАТ

ЎЙНАБ ЁЗСАНГ ҲАМ...

Қадрли Б.!

Интернетда эълон қилган мақолангиздаги баъзи фикрларингиз менга кулгули туюлди. "Собиқ шўро даврининг яхши томонлари ҳам бўлган. Агар чарх айланиб, яна ўша даврга қайтиб қолсак, ҳозир уни ёмонлаётганлар яна мақташга тушиб кетади..." деб ёзибсиз.

Биз ўша даврда туғилиб, унибўсдик. У замонни ўз кўзимиз билан кўрганмиз. Шўро даври ҳақидаги ҳақиқатларни мен ёзай, сиз ўқинг.

Биз мактабга борган 1970 йилларда ҳам қишлоқлардаги аҳоли ночор аҳволда яшарди. Бутун қишлоқ бўйича икки-уч хонадонда телевизор бўларди, у ҳам бўлса оқ-қора тасвирда кўрсатарди.

Шаҳарда турмуш қандай бўлган билмадим-у, қишлоқлардаги одамларнинг қора қозонида ҳафтасига бир-икки бор гўштли овқат қилинарди. Гўштни дўконлардан топиб бўлмасди. Қишлоқда деярли ҳамма жулдур, ямоқли кийимлар киярди. Чунки улар ниҳоятда ночор кун кечирарди. Укалар акаларининг кичкина келиб қолган кийимларини кийиб катта бўлишарди. Акаларига мазза бўлган экан, дерсиз. Йўқ, улар ҳам кўпинча ўзларидан катталарнинг кийимларини "илиб юришарди". Камдан-кам одамга ямоқсиз кийим насиб этарди. Қорамол боқиш ҳам чекланганди. Кўпинча одамлардан сигирларининг сутини "Колхоз сут планини бажара олмаяпти", деб тортиб олишарди...

Ўғил болаларни хатна тўйи қилиш ҳам тақиқланганди... Сиёсатдан қўрқа-писа "день рождения" никоби остида ўғилчаларнинг қўли ҳалолланарди. Муқаддас динимиз доимо таъқиб остида эди. Улуғлар қабри топталган, зиёратгоҳ жойлар харобага айлантирилган эди.

Мустабид тузум даврида ҳамма хат-ҳужжатлар асосан рус тилида юритиларди. Ҳатто "Туғилганлик ҳақида гувоҳнома", паспортларимизга ҳам ўзбекона исмларимиз атай бузиб ёзиларди. Масалан, Ойниса — Айниса, Холтўра — Халтура, Жаббор — Джабар, Дилором — Дилярам, Ғулом — Гулям, Ботир — Батыр, Қодир — Кадыр ва ҳоказо. Бу аянчли хатолик ҳақида юрак ютиб гапирганлар миллатчи сифатида айбланар эдилар. Ўзбек тили ижтимоий ҳаётимиздан аёвсиз сиқиб чиқарилаётганди. Табиий фанлар у ёқда турсин, ҳатто ўзбек тили ва адабиёти бўйича илмий ишларни ҳам рус тилида ёзиш талаб қилинарди.

Бугун булар қўрқинчли ўтмиш хотиралари. Илоҳим, улардан қутулганимиз рост бўлсин!

Талабалик кезларимни яхши хотирлайман. 1980 йиллар эди. Дарсларда "чириб бораётган капитализм" деб ёмонланадиган давлатлар аслида ривожланиб бораётгани, бизнинг "гуллаётган социализм" эса амалда чириб бораётгани тўғрисида янгиликка интилувчан талабалар шивирлаб гаплашишарди.

Ўша пайтларда айрим "илғор ёшлар"нинг образлари, дилимизда армон бўлаётган кўп гапларни севимли адибимиз Пиримқул Қодиров "Уч илдиз" романида жуда ҳаққоний тасвирлаганидан ҳайратга тушардик.

Биз — "гуллаётган социализм"нинг "илғор ёшлари" алмисоқдан қолган ёзув машинкасини "техника тараққиёти" деб билардик. Ўша даврда компьютер, интернет, қўл телефони, факсли телефон, нусха кўчириш (ксерокопия) машинаси, DVD, калькулятор, диктофон деган нарсаларни тасаввур ҳам қила



олмасдик.

Мустақиллик шарофати билан кўраётган тараққиётимиздан ўргилай. Энди газета таҳририятлари мақола сўрашса, аввал қоғозга ёзиб, кимгадир машинкалатиб, лўкиллаб таҳририятга олиб бормаяпман.

Ҳаммасини компьютеримда бажараман. Сўнг ўтирган жойимда интернет орқали юбораман. Зум ўтмай таҳририятдан ташаккур билдириб, телефон қилишади. Эртасига газетада чиқиб турган мақолангни кўриб, роҳатланишдан катта бахт борми, журналист учун! Босмахона ҳам минг азобда қўрғошинни эритиб, линотип деган баҳайбат машинада "матрица" қилаётгани йўқ.

Бугун бу тараққиёт ҳам йўлда қолиб кетмоқда. Ҳар куни www.uforum.uz деб номланган электрон нашрда ижодий машқларимнинг айримларини эълон қилаяпман. Ушбу веб-сайт тепасидаги "Уч сонияда Тошкентдан Нью-Йоркка" деган ёзувни ўқиб ишонмагандим. Англияда юрган бир ижодкор укамиз билан шу тизим орқали баҳс-мунозара қилганимиздан сўнг росмана тан бердим! Ёзганларимизни бутун курраи заминда кузатиб боришаётганини тасаввур қилишнинг ўзи мароқли!

Бундан ташқари қатор газеталаримизда чоп этилаётган материаллар уларнинг веб-сайтларида эълон қилинмоқда! Шу тариқа ўзбек ижодкорлари ҳам дунё ахборот маконида ўз овозларига эга бўлишаётгани ва ўзлигини намоён этишаётганидан ҳайратга тушмай бўладими!

Халқимиз турмуш даражасининг кун сайин ошиб бораётганини, қишлоқларимизнинг гуллабяшнаётганини кўриб туриб, кўрмасликка олиш гуноҳ эмасми?

Болаларга бераётган тарбиямизнинг салмоғига қаранг. Бир пайтлар кўриш орзу бўлган компьютерга бугун "Кўп қарама, кўзинг оғриб қолмасин", "Қўл телефонда кўп гаплашма, соғлиққа зарар", — деб куюнмаган ота-она кам топилади.

Бугун Ўзбекистонда бир минг бир юздан ортиқ оммавий ахборот воситалари фаолият кўрсатяпти. Улардан мингга яқини газета ва журналлар, қолганлари телерадиоканаллар, интернет нашрлари ва ахборот агентликларидир. Мустабид тузум даврида эса булар бир неча баробар кам эди.

Чет элга бориб-келишнинг қўшниникига чиқиб-келишдан фарқи қолмаяпти. Бугун ким билан гаплашманг, қайсидир хорижий давлатга бориб-келганини оддий ҳолдек гапиради.

Хуллас, истиқлол шарофати билан биз ҳам дунё билан бўйлашаётганимизни, ҳеч кимдан кам эмаслигимиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаслигимизни ҳис этиб яшашнинг ўзи олий саодатдир!

Тўлқин ЭШБЕК

ТАДҚИҚОТ

Публицистика қачон пайдо бўлган?

Маълумки, журналистика соҳаси даврнинг ижтимоий-сиёсий ва бошқа муҳим масалаларини ёритишда публицистика деб аталмиш адабий ижод турига асосланади. Жамият онгида ижтимоий фикр уйғотиш ва шакллантиришда публицистиканинг ўрни беқиёс. Қадимдан ота-боболаримизнинг ахлоқий ва фалсафий руҳдаги китоблари ҳали матбуот шаклланмаган даврларда ҳам том маънода публицистика вазифасини бажариб келган.

Таниқли журналист Эрик Фихтелиуснинг эътироф этишича, Шарқда публицистика илдизлари Форобийнинг "Фозил одамлар шаҳри", Беруний-нинг "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар", Ибн Синонинг "Ҳайй ибн Яқзон", Низомулмулкнинг "Сиёсатнома", Алишер Навоийнинг "Маҳбуб ул қулуб" асарларига, Ғарбда эса Томас Мор, Томаззо Кампанелла, Даниель Дефо ва Жонатан Свифтларнинг асарларига бориб тақалади.

Бизнингча, XI асрда Ғарбий Эронда яшаб ўтган Кайковус ибн Искандарнинг "Қобуснома" китоби ҳам публицистиканинг ижтимоий фикрни шакллантиришга хизмат қиладиган илк намуналаридан бири ҳисобланади.

Дурдонани публицистик асар дейишимизнинг яна бир сабаби шундаки, унда ҳозирги босма матбуот нашрларида эълон қилинаётган публицистик материалларга хос жиҳатлар ҳам мавжуд.

Биринчидан, асар тарғибот-ташвиқот усулида ёзилган. Бу публицистиканинг энг асосий хусусиятларидан биридир.

Иккинчидан, воқелик манзараси ҳужжатли факт-маълумотлар асосида яратилган. Публицистиканинг муҳим қонуниятларидан бири саналмиш ҳужжатлилик тамойили мазкур асарда ҳар бир мавзу моҳиятини очиб берган ибратли ҳикоятлар, реал воқеалар (айрим ҳикоялар Кайковуснинг ўз бошидан ўтган, айримлари эса оила шажараси билан боғлиқ)да акс этган. Кайковус "журналист-публицист" сифатида ўз фикр ва мулоҳазаларини ана шу ҳикоялар орқали исботлашга уринади. Шу боис ҳам "Қобуснома"ни публицистик асар дейишга ҳақлимиз. 44 бобдан иборат ушбу асарда ижтимоий ҳаётнинг 44 та жабҳасига оид муаммо ва камчиликлар, ижтимоий иллатларни бартараф этишга қаратилган фикр-мулоҳазалар тарғибий-ташвиқий усулда, даъватнома шаклида ифодаланган бўлиб, эзгуликка, ижтимоий тараққиётга хизмат қилади.

"Қобуснома"да ота-онани ҳурмат қилиш, қўшниларга, яқинларга, дўстларга ёрдам бериш каби фазилатлар улуғланади.

Муаллиф, айниқса, ота-онанинг ўрни масаласига алоҳида тўхталади: *"Ақл юзасидан фарзандга ота-онани иззат ва ҳурмат қилиши вожибдур, нединким, унинг асли ота ва онадир"*. Ҳар бир фарзанд ўз ота-онасига муомала қилишда жуда эҳтиёт бўлмоғи лозимлигини таъкидлайди, чунки *"сен ота-онангга нима иш қилсанг, фарзандинг ҳам сенинг ҳақингда шундоқ иш қилур, чунки одам мевага, ота-она дарахтга ўхшайдур. Зинҳор мерос олмоқ ҳирси била ота-онанг ўлимин тиламағилки, уларнинг ризқи била сенинг ризқинг етишур. Ота-онанинг ўлимини тиламағил, чунки ота-она ўлмай юрсалар ҳам ризқинг етишаверади, нединким, ризқ мақсумдир ва у ҳар йўл била восил бўлур"*.

Кайковус жамиятни ўзаро бирлаштириб турувчи меҳр-оқибат, ғамхўрлик, борди-келди каби ижобий муносабатлар хусусида ҳам фикр юритиб, инсон янги дўст топганида эски дўстларини тарк этмаслиги керак, деган ғояни илгари суради. Зеро, дўстлик энг олий туйғу. Яхши дўст эса "...кишига улуғ ганждур".

Асарда қўни-қўшни, маҳалла-кўй билан доимо мулоқотда бўлиш, улар аҳволидан огоҳ бўлиб, ҳолидан хабар олиб туриш, оқибатни узмаслик кераклиги ҳақида ҳам анчагина фикрлар бор. Масалан, *"Ўз кўчангдаги ва маҳаллангдаги одамлар била яхши яша, касалларни бориб кўр ва ҳолаҳволларини сўра, кимга таъзия билдириш зарур бўлса, таъзия билдир. Маъракада иштирок эт. Кўшнининг ҳар бир ишига ёрдам бер. Агар кўшни шод-ҳуррам бўлса, шодлигига шерик бўл. Мумкин қадар таом ёки кийим-бошдан совғалар юбор, чунки сен шу кўчада энг ҳурматли кишилардан бўлғил"*, — дейилади унда.

> *Ақл юзасидан фарзандга ота-онани иззат ва ҳурмат қилиши вожибдур, нединким, унинг асли ота ва онадир.*

Кайковус, айниқса, ёшлар тарбияси, уларнинг илм олиши ва ҳунар ўрганиши масаласига ҳам жиддий ёндашади: *"Бас, агар ақлинг бўлса, ҳунар ўрганғил, нединким, ҳунарсиз ақл — бошсиз тан, суратсиз бадандекдур. Ундоқким дебдурлар: ал-адаб — суратил-ақл"*. Қолаверса, Кайковус ёшларни ёмон хатти-ҳаракатлардан тийилишга чақиради ва уларга панд-насиҳатлар беради. Асарда бу ҳақда қуйидагига ўхшаш ўгитлар кўп учрайди: *"Эй фарзанд, шароб ичмасанг икки жаҳон фойдасини топғунгдур... Шароб ичмак улуғ гуноҳдир"*. Яна бир ўринда: *"Тундлик ва тезликни одат қилмағил... Ҳеч кишининг олдида ифрот қилмағил ва ифрот (ҳаддан ошиш)ни шумлиқ деб билғил.... Енгил йигитлардин бўлмағил, чунки йигитларга оғирлик муносибдур... Ҳеч ишда шитоб қилмағил (шошилмагин). Ҳар ишгаки киришар бўлсанг, олдин ўша ишдин чиқмоқни яхши кўзлағил ва ишнинг охирига қарағил. Ҳар бир ишнинг ўлчовин билғил ва барча ишни ўйлаб қилғил. Барча ишга, сўзга ақл юзи била қарағил, токи ботилни кўра олғайсан"* ёки *"Ҳамиша давлатлиғ ва нематлиғ ва роҳатлиғ бўлмоқ тиласанг, солиҳ одамлар била ҳамсуҳбат бўлғил"*, деб ёзилган.

Шунингдек, китобда турмушдаги исрофгарчилик ёмон одат экани келтирилади, унинг охири қашшоқликдур, дея ибратли ҳукм чиқарилади. *"Аммо қашшоқликнинг сабаби исрофдир. Исроф танҳо молнинг харжида эрмас, балки овқатда, хулқда, сўзламакда ва ўзга ишларда ҳам ёмондур. Исроф танни алдар, нафсга ранж еткарур, ақлни қочирур, тирикни ўлдирур"*. Албатта, ортиқча харажат қилиш ақлдан эмас, зеро, *"Агар харж этиб, яна жойини тўлдирмасанг, агар Қоруннинг ганжидек бўлса ҳам, у бир кунда йўқ бўлур"*.

Хуллас, "Қобуснома" публицистик асар сифатида кишилар, айниқса, ёш авлод онгида ижтимоий фикр уйғотиш, уларни эзгу мақсадларга йўналтириш ва ёмон иллатларга қарши курашишга даъват этади. Асарнинг буюк аҳамияти шундаки, у ҳар қандай давр эврилишларида ҳам ёшларни баркамол инсон қилиб тарбиялашдаги беқиёс қийматини асло йўқотмайди.

Дилмурод УСМОНОВ,
ЎзМУ магистранти.

АВВАЛИ

Италийа шаҳзодаси Самарқандда

Италийа мамлакатининг шаҳзодаси 13нчи апрелда Самарқанд шаҳрига дохил бўлубдур. Ул шаҳзодани оташ ароба манзилида Самарқанд музофотининг войинний губернатори генерал лейтенант Йафимович ва бошқа Русийа улуғлари ва мусулмон фуқаролари бирлан истиқбол қилибдурлар. Ул шаҳзода жаноб военний губернаторникига келиб ул шаҳарнинг барча қадимги нарсаларни кўрмоқнинг орзусини изҳор қилибдур. Қадимий масжидларни кўрган вақтда ул шаҳзода ул иморатларининг қайси вақтда бино бўлгонини сўраб ўзининг дафтарига ўз қўли бирлан қадимий иморатни кўрулуб турғон бир неча гулларни суратини солиб олибдур. Ул куни кечқурун ул шаҳзода учун мусулмонлар қилғон тамошони кўруб Самарқандин кетадурғон куни мусулмонлар бозорини кўрубдур.

"Туркистон вилоятининг газети" 5-нчи май 1890 йил.

ЯХШИЛАР ЁДИ

Истеъдодли инсон эди

Болалигимизда қишлоғимизга шаҳардаги бирор-бир институтдан ўқитувчи келиб қолса, биз учун байрамга айланиб кетарди. Дарров қўни-қўшнилар у одамни меҳмонга чақириб, суҳбатини олишга ошиқар, олий ўқув юртларида ўқимоқчи бўлган ёшлар маслаҳат сўрашга шошиларди. Хуллас, биз—ёшлар зиёли инсонларга ўзгача ҳавас билан қарар эдик. Бу инсонлар қайси фандан ва қай бир олий илм даргоҳида дарс беришидан қатъи назар, қишлоқ аҳли учун "домла" ҳисобланарди.

Бир томони Қоратоғ бир томони Оқтов этакларига ёйилиб кетган кенг адирликларда жойлашган қишлоғимиздан ҳам вақт ўтиши билан республикамиз илм-фанига ўз ҳиссасини қўшган олимлар кўплаб етишиб чиққан. Улар орасида нуроталик Ҳақназар Халилов биринчи "қалдирғоч" эди. У киши ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг ўзбек филологияси факультетини аъло даражада тугаллагач, шу илм даргоҳидаги аспирантурага ўқишга кирди. Кейинчалик М.Ломоносов номидаги Москва давлат университетида аспирантликни давом эттирди.

— Ҳақназар Халилов билан бирга таҳсил олдик, кейин бир кафедрада талабаларга дарс бердик, — деб хотирлайди олимнинг яқин дўсти, адабиётшунос олим Санжар Содиқ. — Раҳматли адабий давраларда янги фикрлари билан ўзига хос тарзда жамоатчилик эътиборини тортар эди. Қолаверса, интилувчанлиги, мушоҳадага бойлиги билан энг талабчан устоз Озод Шарафиддиновнинг ҳам эътиборини қозона олди. У киши Асқад Мухтор прозаси ва поэзиясининг нозик жиҳатларини синчиклаб ўрганди.

Аммо илмий иши энди тайёр бўлганида Ҳақназар аканинг соғлиғи ёмонлашиб, Нуротага, ўзи туғилиб ўсган Кирҳовут қишлоғига кетишга мажбур бўлди. У ердаги 16-умумтаълим мактабида ўзбек тили ва адабиётидан ёш авлодга дарс бера бошлади. Дорилфунун муҳитидан қишлоғига қайтиб келган мураббий бу ерда педагогик жамоага ҳам, қишлоқ ёшларига ҳам бор билим ва тажрибасини аямаганини бирга ишлаган ҳамкасблари кўп эслайди.

— Ҳақназар ака қишлоқда бўлсада, адабий жараёндан узоқлашмаслик учун кундалик газета ва журналларни қўлдан қўймай ўқиб турарди — деб эслайди, кекса муаллим Донобой ака Шодиев. — Раҳматли жуда ҳалол, ҳақиқатгўй одам эди. У бадиий мушоҳадаси кучли инсон бўлган. Замонавий адабиётни мукаммал билиши билан бирга классик адабиёт ва динга тақиқ қўйилган шўро даврида тасаввуф илмини яхши ўзлаштирган. Илмий, адабий-бадиий мақолалари-ю, публицистик чиқишлари билан ўша пайтнинг адабий жамоатчилиги эътиборини қозонган. Маълум муддатдан сўнг соғлиғи яхшилангач, пойтахтга қайтиб, Ўзбекистон телевидениесининг ўқув кўрсатувлари (ҳозирги маънавий-маърифий кўрсатувлар бош муҳарририяти) таҳририятида бош муҳаррир ўринбосари лавозимида ишлайди. Бу ерда илмий оммабоп кўрсатувларни тайёрлашда фаол қатнашади. Ҳақназар ака дорилфунунда бирга таҳсил олган тенгқурлари Бойбўта Дўстқораев, Маҳмуд Саъдий, Ойдин Ҳожиевалар қаторида адабий анжуманларда фаол иштирок этарди. Асқад Мухтор поэзиясини яхши биларди, кези келганда шеърлар ҳам ёзган. У кейинчалик нафақага чиққунига қадар Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтида талабаларга ўзбек тили ва адабиётидан дарс беради.

— Ҳақназар аканинг илмпарварлиги, адабий мушоҳадасининг ўткирлиги институт жамоасига маълум эди. Шу боис адабий мавзуга оид ҳеч бир тадбир у кишининг иштирокисиз ўтмаган, — дея хотирлайди институт профессори Эркин Худойбердиев.

Фарзандларининг барчаси ота изидан бориб, олий маълумотли бўлишди. Ўғли Асомиддин эса ота касбини улуғлаб, бугун республика телевидениесида фаолият кўрсатмоқда.

Ўлжабой ҚАРШИЕВ,
журналист.

Шарқ қўлёзмаларида келтиришича, чой ҳақидаги дастлабки маълумот милоддан аввалги 2700 йилга бориб тақалади. Бундан 4700 йил муқаддам Хитойда табиий ҳолда ўсган чой ўсимлигидан ҳоқонлар оиласигина доривор ичимлик сифатида фойдаланган. Милоднинг IV асрида чой экиб, маданийлаштирила бошлангандан кейингина, у зодагонларнинг қувватбахш ичимлигига айланган. Орадан 5 аср ўтгач, чой яқин қўшни мамлакатларга, хусусан Япония ва Кореяга тарқалди.

Чойхўрлик қачондан бошланган?

Мусулмон мамлакатларида чойга доир дастлабки маълумот IX аср араб савдогари Сулаймоннинг ҳикояларида учрайди. Аммо Шарқнинг буюк олимлари, жумладан, Ар-Розийнинг "Касалликлар тарихи" китобида мингга яқин хасталиклар муолажасига оид маълумотлар мавжудлигига қарамай, чой ҳақида сўз йўқ.

Шунингдек, тиб илми алломаси Ибн Синонинг "Тиб қонунлари"да, Маҳмуд Қошғарийнинг XI асрда битган машҳур "Девону луғатит турк", Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" асарида ҳам чой умуман тилга олинмайди. Фақат Абу Райҳон Берунийнинг "Сайдана" асаридагина чойнинг ватани Хитой экани ва ундан дори-дармон сифатида қўлланилиши айтилган.

Испан сайёҳи Руи Гонсалес де Клавихо 1403 йил соҳибқирон Амир Темур ҳузурида бўлган вақтида Самарқанддаги Дилкушо боғида ўтказилган зиёфатда дастурхонга қўйилган таомлару ичимликлар (мусаллас, шароб, қимиз) ҳақида сўзлар экан, ҳеч бир ерда чойни тилга олмайди. Шунингдек, у хитой савдогарлари олиб келган моллар номини бирма-бир санаганда ҳам улар орасида чойни учратмаймиз.

Шеърият мулкининг султони Алишер Навоий яшаган даврда май, гулоб, бода, шароб, қимиз, айрон, чалоб ва турли шарбатлар истеъмол қилинган. Аммо Навоий асарлари ва сўзликларида бир марта ҳам чой ва у билан боғлиқ ашёлар номи учрамайди.

Тарихий манбаларга қараганда, чой ҳақида маълумот Европага илк бор 1517 йилда етиб борган. Тахминларга кўра, Туронзаминда чойхўрлик XIX аср охирларида кенг расм бўлган. Зеро, бу даврда Ўрта Осиё чор Россияси томонидан забт этилгач, темир йўллар қурилиши муносабати билан четдан келтириладиган моллар миқдори ва тури кенгайган. Россия ўша даврда ҳар йили 75 минг тонна чой сотиб оларди ва унинг бир қисми Ўрта Осиёга келтирилган.

Маълумотларга қараганда, чойдан қадимда тиш оғриғи, кўз касалликлари, шамоллаш,куйган жойни, кўнгил айнишини даволашда фойдаланилган. Жон бошига чой истеъмол қилишда Англия дунёда биринчи ўринда туради. Бу ерда бир киши йилига 4,5 кг. АҚШда – 430. Ҳиндистонда – 290. Ҳитойда – 130 грамм чой истеъмол қилади.

Ҳусниддин НУРМУҲАМЕДОВ,
тарихчи олим.

ДУНЁДА НИМА ГАП?

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

"АСАКА" БАНК:
ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ — МАСЪУЛИЯТ ВА САМАРА

"Асака" банк очиқ акциядорлик тижорат банкининг Фарғона вилояти филиали кўп сонли мижозларга эга бўлган ва аҳоли ишончини қозонган нуфузли молия муассасаларидан бири сифатида эътироф этилади. Ҳозирда унинг таркибида учта янги филиал ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Банк жамоаси вилоятда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётир. Хусусан, иқтисодиётнинг устувор тармоқларини кредитлаш, нақд пул тушумларини барқарорлаштириш ва нақд пулнинг банкдан ташқаридаги айланмасини қисқартириш, депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлашга қаратилган долзарб вазифалар ижроси изчил йўлга қўйилган. Бу ерда енгил саноат, автотранспорт, қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқлардаги кўплаб мижозларга ҳам самарали хизмат кўрсатишаяпти.

— Зиммага юкланган вазифалар ижросига ҳамиша масъулият билан ёндашиш, табиийки, кўнгилдагидек самара беради, — дейди банкнинг Фарғона вилояти филиали бошқарувчиси Бахтиёржон Ғаниев. — Хусусан, "Мижозлар банк учун эмас, банк мижозлар учун" тамойилига асосланган иш юритувимиз ҳамда мижозлар учун яратилган қулай шарт-шароитлар аҳоли билан амалий алоқаларимиз кўламининг тобора кенгайишини таъминлаётир. Айни пайтда биз билан молиявий мулоқотда бўлган мижозлар сафи 1100 дан ортган бўлса, уларнинг кўпчилигини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ташкил этади.

Маълумки, республикамиз Президентининг 2008 йил 20 февралдаги "Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони банк ва аҳоли ўртасидаги алоқаларга ижобий таъсир кўрсатди. Биргина "Асака" банк ОАТБ Фарғона вилояти филиалининг ўзида ўтган 2009 йил давомида фуқароларнинг 444,6 минг АҚШ доллари ҳамда 3,1 миллиард сўмлик бўш маблағлари банк омонатларига жалб қилингани ва бу кўрсаткич йилдан-йилга ўсиб бораётгани фикримизнинг далилидир.

Банк тизими фаолиятини такомиллаштириш ва юксалтиришга қаратилган кўрсатмалар ҳамда амалий ёрдамлар ва албатта, фуқароларнинг банклар билан алоқалари кредитлаш фаолиятини жадаллаштиришга туртки бўлмоқда. Хусусан, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини имтиёзли кредитлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Имтиёзли кредитлаш фонди, бюджетдан ташқари жамғармалар ҳамда Осиё тараққиёт банки кредит линияси ҳисобидан ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, қурилиш ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш лойиҳаларига тобора кенг ўрин ажратилаяпти. Масалан, иқтисодиётнинг реал тармоғини ривожлантириш мақсадида ўтган 2009 йилнинг ўзида мазкур



сектор учун режалаштирилган 12 миллиард сўм ўрнига қарийб 13,5 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди ва қўшимча 334 та янги иш ўринлари яратилди. Бу банк томонидан белгиланган режа кўрсаткичи 112,5 фоизга бажарилди, деганидир.

"Асака" банк ОАТБнинг Фарғона вилояти филиали давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини изчил таъминлаб бориш бўйича ҳам ибратли ишларни амалга оширмоқда. Ўтган йил давомида вилоятдаги тадбиркор аёлларга 2 466,6 миллион сўмлик кредитлар ажратилиб, бу борадаги режа 247 фоизга бажарилди.

Шунингдек, Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш борасида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Филиал томонидан 2009 йилнинг ўзидаёқ 167 та ёш оилага жами 1 592 миллион сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Жумладан:

— уй-жой сотиб олиш учун 40 та ёш оилага 1,1 миллиард сўмлик ипотека кредитлари;

— уй жиҳозлари ва маиший техника сотиб олиш учун 98 та оилага 413,8 миллион сўмлик истеъмол кредитлари;

— оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун 29 та ёш оилага 117,7 миллион сўмлик микрокредитлар берилди.

Филиал юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларга мутаносиб равишда ўзининг асосий эътиборини кредит қўйилмаларини узоқ муддатли инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга қаратмоқда. Жумладан, Фарғона шаҳрининг ўзида вилоят иқтисодиёти учун зарурий ва бирламчи бўлган йирик лойиҳалар амалга оширилди. Хусусан, иккита йирик лойиҳани қарийб 6,6 миллиард сўмга молиялаштиришга эришди. Натижада Фарғона вилоятида импорт маҳсулотлари ўрнини босувчи, айни пайтда маҳаллий хомашё негизида фаолият юритувчи "Автоойна" ОАЖ, "Фарғона автотрансхизмат" МЧЖ сингари йирик саноат ва хизмат кўрсатиш корхоналарига ўз фаолиятларини йўлга қўйишларига имкон яратиб берди.

2009 йил мобайнида банк томонидан 7,5 миллион АҚШ доллари миқдорида 24 та экспорт шартномаси тузилди. Мижозларнинг 3,8 миллион АҚШ доллари ҳажмида экспорт операциялари амалга оширилди. Бундан ташқари, 8,9 миллион АҚШ доллари қийматидаги 30 та импорт шартномалари тузилди. Шундан 1,6 миллион АҚШ доллари миқдоридаги импорт операцияларининг бажарилишига эришилди.

Президентимизнинг сервис соҳасини ривожлантириш бўйича қарорлари ижросини таъминлаш борасида ҳам бир қатор амалий ишлар қилинди.

Ўтган йилнинг ўзида аҳолини арзон ҳамда сифатли сервис хизмати билан таъминлашни ривожлантириш учун қарийб 1,5 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Мазкур лойиҳалардан бирининг амалга оширилиши натижасида вилоятга "Самарқанд автомобиль заводи" томонидан ишлаб чиқарилган 39 дона "ISUZU" автобуслари келтирилди.

Юртбошимизнинг 2008 йил 8 ноябрдаги "Аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича республика тижорат банклари ўртасида танлов ўтказиш тўғрисида"ги қарорига кўра ўтказилган танловда "Шаҳарларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича энг яхши филиал" номинацияси бўйича "Асака" банки ОАТБнинг Фарғона вилояти филиали 1-ўринга муносиб кўрилди ва "Дамас" автомашинаси билан тақдирланди.

Мазкур мукофот банк филиали жамоасининг омонатларни банкларга жалб қилиш ва мижозлар ишончини қозониш йўлидаги малакали меҳнати юқори баҳоланганидан далолат беради.

Банкда Вазирлар Маҳкамасининг "Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан нақд пулсиз ҳисоб-китоблар кўламини ошириш, савдо ва аҳолига хизмат кўрсатиш шохобчаларида терминаллар ўрнатиш ва фаолиятини юргизиш бўйича ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, бугунги кунда тижорат банклари олдида турган устувор вазифалардан бири узоқ масофаларда жойлашган хўжалик субъектларига ҳамда аҳолига турли хил молиявий хизмат кўрсатишдан иборатдир. Вилоят филиали жамоаси бу йўналиш бўйича ҳам кўзга кўринарли ишларни амалга ошириб келмоқда.

Шунингдек, аҳолига банк хизмати кўрсатиш даражасини ошириш, нақд пул маблағларининг банк ғазнасига тушишини таъминлаш мақсадида "PAYNET" хизматлари шохобчаларида ҳам кенг кўламда фаолият юритишмоқда.

Филиал бошқаруви асосий эътиборини устувор тармоқларга ҳамда жамоанинг мижозлар учун банк хизмати маданиятини юксалтиришга қаратган. Филиал бошқаруви мамлакатимиз ва вилоятнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга, халқимизнинг турмуш даражасини янада мустаҳкамлашга бундан кейин ҳам муносиб ҳисса қўшаверади.

С.ҚАҲҲОРОВ,
"Hurriyat" мухбири. ®

ДАРАКЛАР

ФАОЛРОҚ ҲАРАКАТ ҚИЛИШГА ЧАҚИРДИ

АҚШнинг Афғонистондаги қўшинлари қўмондони Стэнли Маккристал мамлакат шимолида жойлашган Германия армиясидан фаолроқ ҳаракат қилишни талаб қилди. Унинг таъкидлашича, Қундуздаги вазият мамлакатда тинчликни сақлаб туришда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун Бундесвер армияси янада фаоллашиши лозим. Улар, айниқса, маҳаллий аҳоли билан тил топишиши керак.

Германия мудофаа вазири Карл-Теодор цу Гуттенберг генералнинг бу танқидини рад этди. Шу билан бирга, немис ҳарбийлари бундан буён ҳушёрроқ бўлишини, афғон аскарларини ўқитишга катта эътибор беришини таъкидлади.

Эслатиб ўтамиз, АҚШ яқин кунларда Афғонистондаги аскарлари сонини яна 30 минг нафарга кўпайтиради. Ўзаро келишувга биноан немис аскарлари сони ҳам кўпайтирилиши керак. Аммо расмий Берлин бу масалани шу пайтгача ҳал этгани йўқ.

ДЕНГИЗ АВИАЦИЯСИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИНАДИ

The Times of India газетасининг ёзишича, Ҳиндистон ҳарбий-денгиз флоти денгиз авиациясини модернизация қилишни бошлади. Бу ишга ХДФ 1,5 миллиард доллар миқдорида маблағ сарфлайди. Бу маблағга Россиядан 16 та МиГ-29К/КУБ қирувчи самолёти, «Адмирал Горшков» авианосецини сотиб олади. Бундан ташқари, яқин кунларда яна 1,2 миллиард долларга МиГ-29К/КУБ қирувчи самолётлар сотиб олиш бўйича янги шартнома имзоланиши ҳам кутилаяпти.

Хабарда айтилишича, Ҳиндистон ҳарбий-денгиз флоти BAE Sea Harrier қирувчи самолётлари ва Ил-38 русумидаги кемага қарши самолётларни ҳам модернизация қилмоқчи. Шунингдек, мамлакат ХДФ яқин кунларда бешта Ка-31 вертолётини ҳам сотиб олмоқчи. Ҳозирда Ҳиндистон ўзининг 40 минг тонна сув сиғимига эга авианосецларни ишлаб чиқаришга тайёргарлик кўрмоқда.

"РУСАЛ" АКЦИЯСИНИ СОТМОҚДА

Яқиндан бошлаб дунёдаги энг йирик «Русал» алюмин ишлаб чиқариш компанияси Гонконг биржасида ўзининг акцияларини 10,8 Гонконг доллари қийматида сота бошлади. Компания шу билан ўз акционерларига 17,4 миллион Гонконг доллари (2,24 миллион АҚШ доллари) миқдорида пул беришни режалаштираяпти. Бу ҳақда Bloomberg хабар тарқатди.

Дастлабки маълумотларга қараганда, Россиянинг ВЭФ давлат корпорацияси сотувга қўйилган акцияларнинг учдан бирини сотиб олмоқчи. Бундан ташқари, "Русал" қимматли қоғозига Nathaniel Rothschild инвестиция фонди, хитойлик ишбилармон Роберт Куок Хок Ньен ва гонконглик миллиардер Ли Ка Шин харидор бўлмоқда.

Ҳозирда "Русал"нинг кредиторлардан 15 миллиард долларга яқин қарзи бор. Шунинг учун акцияларининг бир қисмини сотувга қўйди.

ТОВЛАМАЧИЛИКЛАР ОҚИБАТИДА...

Англия иқтисоди ҳар йили турли хил товламачиликлар оқибатида 30 миллиард фунт стерлинг (деярли 49 миллиард доллар) йўқотади. Бу ҳақда товламачиликка қарши курашувчи The National Fraud Authority агентлиги хабари асосида The Daily Telegraph газетаси ахборот тарқатди. Ушбу маълумотларга ишонадиган бўлсак, товламачилик туфайли ҳар бир Англия фуқароси йилига 621 фунт зарар кўради.

Газетанинг ёзишича, биринчи навбатда солиқ тўлашдан бош тортувчилар мамлакат иқтисодига яхшигина зарар келтирмоқдалар. Масалан, уларнинг товламачилиги туфайли мамлакат хазинасига 15,2 миллиард фунт стерлинг миқдоридаги солиқ кам тушаяпти. Бундан ташқари, ипотека ва суғурта соҳасидаги товламачиликлардан давлат 3,8 миллиард фунт зарар кўрмоқда.

The National Fraud Authority маълумотларига қараганда, кўзбўямачиликларнинг 58 фоизи давлат иқтисодий сектори, 31 фоизи хусусий сектор ҳиссасига тўғри келади.

АЭС ҚУРМОҚЧИ

Белорусь ўз ҳудудида АЭС қуришни режалаштирмоқда. Бу ҳақда яқин кунларда Россия ҳукумати билан шартнома имзолананиши кутилаяпти. РИА Новости хабарида айтилишича, АЭСнинг биринчи энергоблоки 2016 йилда, иккинчи блоки эса 2018 йилда ишга туширилади.

АЭС қуришга кетадиган харажатлар Россиядан олинадиган кредит ҳисобига қопланади. Кредит миқдори ҳозирча аниқ эмас.

Россияликларни АЭС қурилиши учун кетадиган маблағ эмас, балки атом электр станцияси чиқиндиларининг Россияга олиб келиниши ташвишлантираяпти. Уларнинг таъкидлашларича, шусиз ҳам Россия ҳудуди атом чиқиндиларига тўлиб кетган.

УРАН ЗАВОДИДА ҲАЛОКАТ

Германиянинг Гронау шаҳридаги уранни тўйинтирадиган Urenco заводида ҳалокат содир бўлди. AFP хабарида айтилишича, бир киши нурланиш касали билан Мюнстер шаҳридаги клиникага жойлаштирилган. Ҳалокат сабаблари ҳозирча номаълум, текшириш ишлари бошланди.

Urenco компанияси вакилининг таъкидлашича, атроф-муҳитнинг заҳарланиши хавфи йўқ. Ҳалокат содир бўлган бинодаги ҳаво тозаланган. Шундан бўлса-да, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Федерал бирлашмаси ходимлари заводни тўхтатишни талаб қилмоқдалар.

Гронау шаҳридаги ушбу завод 1985 йилда ишга тушган эди. Бу ерда уран моддаси тўйинтирилиб, кейин Германиянинг АЭСларига юборилади.

А-320 КИМОЩДИ САВДОСИГА ҚЎЙИЛДИ

Бундан бир йил бурун жаҳон оммавий ахборот воситалари Чесли Салленбергер командирлик қилган А-320 йўловчи самолёти ҳалокатга учраб, Гудзон дарёсига муваффақиятли қўнгани тўғрисида маълум қилишганди. Ўшанда самолёт бортидаги 155 йўловчининг ҳаммаси омон қолган эди.

Куни кеча Associated Press тарқатган хабарда айтилишича, ўша самолёт кимощди савдосига қўйилган. Хабарда унинг бошланғич баҳоси неча доллар экани айтилмаган эса-да, уни сотиб олмоқчи бўлганлар жорий йилнинг 27 мартигача буюртма беришлари лозим.

Эслатиб ўтамиз, жорий йилнинг 15 январь куни Салленбергер ва унинг турмуш ўртоғи имзо чеккан шапка кимощди савдосида 5 минг 800 долларга сотилди ва бу маблағ болаларга ёрдам фондига ўтказилди.

ҲАМИД КАРЗАЙ ТАШАББУСИ



Афғонистон президенти Ҳамид Карзай «Би-Би-Си» телерадиокомпанияси мухбирига берган интервьюсида янги ташаббус билан чиқди. У қуролини ташлаган толибларга пул ва иш ваъда қилди. «Ким тинч ҳаётга қайтмоқчи бўлса, уларни сафимизга қабул қилишга, иш ва пул беришга тайёрмиз", — деди у.

Карзайнинг айтишича, ҳозир толиблар жангариларга анча пул тўлаяпти. Таъкидлаш жоизки, кейинги пайтларда жангарилар яна жонланиб қолишди. Улар 18 январь куни Афғонистон пойтахти Кобул шаҳрида террорчилик актини амалга оширишди. Шунингдек, Покистон билан чегара туманларда ҳам уларнинг ҳаракатлари кучайган.

САМОЛЁТ ҚУЛАБ ТУШДИ

Хитойда ишлаб чиқарилган Мьянма ҳарбий ҳаво кучларига қарашли F-7 қирувчи самолёти Янгона халқаро аэропортида қулаб тушди. Бу ҳақда хабар тарқатган DPA ахборотида айтилишича, самолёт қўниш пайтида портлаб кетган. Самолёт учувчиси капитан Пэй Пио Мио ҳалок бўлган.

Ҳалокат сабаблари ҳозирча аниқ эмас. Associated Press хабарида айтилишича, самолёт машқ бажараётган пайтда қулаб тушган.

ТЕРРОРЧИЛАР ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Туркия полицияси бир вақтнинг ўзида бир неча шаҳарда рейдлар ўтказди. Натижада 120 нафар "Ал-Қоида" террорчилик гуруҳига алоқадор одамлар ушланди. AFP ахборот агентлиги тарқатган хабарга қараганда, рейдлар 16 музофотда, жумладан, Истамбул ва Анқарада ҳам ўтказилган.

Мамлакат шарқида жойлашган Ван шаҳрида қўлга олинган беш нафар фуқаро орасида маҳаллий университетнинг ўқитувчиси ҳам бўлган. Полиция маълумотларига кўра, у "Ал-Қоида"нинг Афғонистондаги машқ лагерларида тайёргарликдан ўтадиганларни ёллаш билан шуғулланган.

Жорий йилнинг 18 январь куни ўтказилган шундай рейд пайтида Адан шаҳрида полиция 34 киши ва қуроласлаҳаларни қўлга олганди. Суд уларнинг 25 нафарига нисбатан айблов эълон қилди. Маҳаллий матбуот хабарларида айтилишича, улар Афғонистонда хизмат бурчини ўтаётган турк аскарлари ва офицерларининг уйларига ҳамда қариндошларига ҳужум қилишни режалаштиришган.

ҚАРОҚЧИЛАР ҚАРОРИ

Сомалилик қароқчилар тезлик билан товон пули тўланмаса Ҳинд океанида қўлга олинган англиялик эру хотиннинг бирини ўлдиришларини маълум қилишди. Журналистлар билан телефон орқали боғланишга муваффақ бўлган 55 ёшли Рейчел Чандлернинг айтишича, қароқчилар тўрт-беш кун ичида уни ёки эри Пол Чандлерни ўлдиришлари мумкин. Рейчел, шунингдек, қароқчилар унга нисбатан куч ишлатишаётганини, уриб тишини синдиришганини, эри иккаласини алоҳида-алоҳида қамаб қўйишганини, вақти-вақти билан телефонда гаплашишларига рухсат беришаётганини айтди.

Эру хотин Чандлерларнинг яхтаси 2009 йилнинг 23 октябрь куни Сейшел ороллари ёнида пайтда улар Танзания қирғоқларида қароқчилар томонидан гаровга олинган эдилар. Шундан сўнг қароқчилар Чандлерларнинг қариндошлари ва Англия ташқи ишлар вазирлигидан 7 миллион доллар пул талаб қилишди. Айрим маълумотларга қараганда, қароқчилар сўнгги пайтларда 70 минг доллар пул сўрашмоқда.

КЎРСАТМА БЕРМОҚДА



Бирлашган қироллик ҳукумати раҳбари Гордон Браун бугун Англия армиясининг Ироққа бостириб киришини текшираётган комиссияга кўрсатма беради. Жон Чилкот раҳбарлик қилаётган комиссия январда мамлакатда ўтадиган парламент сайловларига халақит бермаслик учун ишни февралгача тўхтатиб туришга қарор қилган эди. Аммо жамоатчилик ва мухолифат кучларнинг тазйиқи билан текширувни давом эттирадиган бўлди.

Браун 1997 йилдан 2007 йилга қадар мамлакат молия вазири бўлган.

Шу пайтга қадар комиссияга ушбу масала бўйича туманли албионнинг собиқ мудофаа вазири Жефф Хун ва собиқ ташқи ишлар вазири Жек Стро кўрсатма беришди. Хуннинг таъкидлашича, айнан молия вазирлигининг айби билан инглизлар армияси урушга яхши тайёргарлик кўра олмаган.

Ҳозирда адлия вазирлигини бошқараётган Жек Стронинг таъкидлашича, компаниянинг асосий мақсади Саддам Ҳусайн режимини ағдариш эди. "Ироқда оммавий қирғин қуроллари топилмаган бўлса-да, ҳужум уюштириш тўғри иш бўлган", — деди Стро.

Мамлакатнинг собиқ бош вазири Тони Блер комиссия саволларига эртага жавоб беради.

2003 йилнинг март ойида бўлиб ўтган овоз бериш пайтида икки партия вакиллари ҳам Ироққа ҳужум қилишни қўллаб-қувватлаб овоз берган эди. Улар бунда Ироқда оммавий қирғин қуроллари ишлаб чиқарилмоқда, деган баҳонани ишлатишганди. Кейинчалик маълум бўлишича, Ироқдан оммавий қирғин қуроллари топилмади.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ЭҲТИРОМ

ШАЪНУ ШУКУҲИМИЗ ТИМСОЛИ

Миллий адабиётимизнинг ҳақиқий билимдони, марҳум профессор Бегали Қосимовнинг Бобур Мирзо ижоди ва фаолиятига эътиқоди баланд эди. Шоҳлар шоири ва шоирлар шоҳини ўзгача меҳр билан севарди, унга беқиёс ҳурмат билан қararди. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг таваллуд куни арафасида олим архивида сақланган, ҳеч қаерда эълон қилинмаган мақола қуйида эътиборингизга ҳавола қилинмоқда.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур фаолияти кўп асрлик турк цивилизациясининг жаҳон тан олган сўнгги машъаласидир.

Уни халқимиз шоҳ ва шоир сифатида билади. Бир қараганда, бу икки жиҳат бир кўнгулга сиғмайдигандек. Лекин жуда кўп султонларимиз шеърият билан салтанатни бир кўнгулга жо қила олганлар. Амир Темур шеърни яхши ўқий ва ундан завқ ола билган, "шоҳи доно" Улуғбекдан шеърий сатрлар сақланиб қолган. Ҳусайн Бойқаро, Шайбонийхон, Убайдуллахон, Амир Умархон, Муҳаммад Раҳимхонлар росмана шоирлардек девон тартиб қилганлар.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам шоҳ, ҳам шоир сифатида, табиийки, бениҳоя мумтоз бир ўринга эга.

Унинг адабий хизматлари ҳақида гап кетганда, фақатгина бир кишига — Навоийга қиёс қилиш мумкин. Асарларининг сони, салмоғи билан эмас, кучи-қудрати билан. Унинг шеърлари кўп эмас: юзтача ғазали, 200 тача рубоийси бор, холос. Лекин улар Шарқнинг шавқи-шиддати, самимияти билан ҳар қандай кўнгилга йўл топа оладиган анъанавий назмига янги руҳ, тоза нафас олиб кирган шеърлардир. У носир сифатида келажак авлодларга "Бобурнома"дай улкан мерос яратиб қолдирди. Сирасини айтганда, XV-XVI асрлардаги Мовароуннаҳр, Хуросон, Ҳиндистон ҳаётини бу асарсиз ўрганиш мумкин эмас. Шу уч минтақа ҳаётининг барча соҳалари — табиатидан жамиятигача, сиёсатидан адабиётигача — урф-удумидан эътиқодигача барча-барчаси замонасининг энг маърифатли бир кишиси назари билан берилган.

Бобур Навоийдан кейин иккинчи бўлиб, шеъриятимизнинг вазни ҳақида махсус асар битди. Ўша давр хўжалик ҳаётини ёритувчи "Мубаййин" (тўлиқ номи "Мубаййин ал закот" — закот баёни) асарини ёзди. Мутахассислар ўша давр иқтисодий ҳаётини ўрганишда бу асарнинг аҳамияти беқиёс, деб ҳисоблайдилар. Ниҳоят, у Хўжа Аҳрорнинг "Волидия"сини ўзбек тилига таржима қилган эди.

У мусиқа билан унинг ҳам назарияси, ҳам амалиёти билан шуғулланган. Унинг ҳозирча номигина маълум бўлган "Мусиқа илми", "Ҳарб иши" каби асарлари истеъдоди ғоят серқирра бўлганини кўрсатади. У "Хатти Бобурий" номи билан машҳур асарини ёзганида 20 ёшда эди. Ҳолбуки, бу ўзига хос янги алифбо билимдонликдан ташқари жуда катта жасоратни ҳам талаб қилар эди.

У подшоҳ сифатида ҳам ҳар қандай салтанат эгаси ҳавас қилса арзийдиган зафарларга эришган эди. Ўзи бир шеърида айтганидай, "олти ойда олти тахт олган". Тақдир тақозоси билан 12 ёшида тахтга ўтирган, 15 ёшида ҳар қандай темурийзоданинг юрагини ҳаприқтирадиган бобомерос пойтахт Самарқандни қўлга киритган, ниҳоят туркийлардан учинчи бўлиб, Ҳиндистонни фатҳ этган. У асос солган сулола 189 йил — XVIII асрнинг бошларигача бу мамлакатни идора қилди. Ҳатто XIX асрнинг ўрталарида ҳиндлар инглизларга қарши курашганларида бобурий Баҳодиршоҳни ҳимоя қилиб чиққан эдилар. Нега?

Бу саволга ўз даврида Ҳиндистоннинг буюк давлат арбоби Жавоҳирлаъл Неру жавоб берган эди: "Бобур дилбар шахс, Уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор одам бўлган", — деб ёзган эди "Ҳиндистоннинг кашф этилиши" асарида.

Дарҳақиқат, гарчи у футуҳотнинг темир қонунларига кўра Ҳиндистонга қилич кўтариб борган бўлса-да, халқни ўзи билан тенг тутди, айрим истилочилар сингари унинг урф-одатларини оёқости қилмади, эътиқодини бузмади, маданиятини, адабиётини камситмади, аксинча, уларни баланд мақомда тутди. У борган мамлакатига зўравонлик билан ўз тилини, урфини жорий этмади, борган юртининг нуфузини ўзи ҳисобига орттирмади. Бир сўз билан айтганда, маърифат билан иш тутди. Ҳамма масалада инсоф ва адолат тарозусини ушлади. Дунёнинг етти мўъжизасидан бири ҳисобланмиш Тожмаҳал бобурийлар даврида уларнинг рағбат ва ташаббуси билан қурилганини эслаш кифоя.

Бобурнинг "дилбар шахс"лиги шунда эдики, у бир томондан, ғоят шижоатли бўлса, иккинчи томондан ғоят самимий эди.

"Бобур ботирлигининг чеки бўлмаган: унинг бутун ҳаёти жасорат намуналари билан тўлиб-тошиб ётибди", — деб ёзган эди профессор Веселовский. Дарҳақиқат, у 1500 йилда 17 ёшида бор-йўғи 240 йигити билан Шайбонийдай тажрибали подшоҳ қўлидан Самарқандни тортиб олган эди. Бу жиҳатдан унинг "Бобур", яъни "йўлбарс" исми унга жуда мос келган эди. 1526 йилнинг апрель ойида Понипатда Иброҳим Лўдининг юз минг кишилик армияси устидан ғолиб келганини эсланг. Ўшанда Бобурнинг қўшини отбоқар ошпазларини қўшиб ҳисоблаганда 12 мингга бормас эди. Унинг устига Иброҳимнинг қанчадан-қанча жанговар филлари бор эди. У бир муносабат билан ёзган эди:

Менга осон дурур бўлса,
агар юз минг туман душман
Вале бўлмоқ жаҳонда, эй кўнгул,
беёр мушкулдир.

Таржимон Эдуард Холден Бобурни Юлий Цезарга, "Бобурнома"ни Цезарнинг "Кундаликлар"ига қиёс этади. Бироқ Бобурнинг феъли-сажиясини Цезарникидан кўра севиш учун арзигулик деб топади.

Бобур ҳаётда ҳам, ижодда ҳам бениҳоя самимий инсон эди.

Бобур ижоди қувончу ғамга, бахт билан бахтсизликка тўла бўлган, айни пайтда ниҳоятда маърифатли, нозик дидли бир инсон ҳаётининг, мураккаб туйғуларининг ёрқин бир ифодасидир. У ота юртида мустаҳкам бир салтанат қурмоқни орзу қилди. Лекин бу иш унга муяссар бўлмади, барча интилишлари зое кетди, ахийри салтанат дағдағаси билан ўзга юртларга бош олиб кетди. Кобулда тахт қурди, Ҳиндистонни забт этди, лекин Ватанни топа олмади, тахт топганда бахт топа олмади. У бир умр Ватаннинг дарди, ҳасрати билан яшади.

Кобулда ёзган рубоийсини эсланг:

Лоқайдмену хароби сийм эрмасмен,
Ҳам мол йиғиштирур лаим эрмасмен.
Кобулда иқомат қилди Бобир дерсиз,
Андоқ демангизларки, муқим эрмасмен.

Бобурнинг ҳар бир шеъри унинг саргашт ҳаётидан қолган излардир. Дарвоқе, у 1526 йилда "11 ёшимдан бери Рамазон ийдини паёпай бир ерда ўтказган эмас эрдим", — деб ёзади. Ўшанда у 43 ёшда эди, шундан 4 йил сўнг вафот этди. Демак, у 32 йил давомида бир йил бир жойда барқарор тура олган эмас. Мана, Бобур кечирган ҳаёт.

1501-1502 йилларда Самарқанддан иккинчи маротаба қувиб чиқарилган Бобур Андижондан ҳам айрилгач, Тошкентга нажот сўраб хон додаси Юнусхон ҳузурига келган, бахтсиз аҳволини кўрган хотини — амакиси Султон Аҳмаднинг қизи Ойшабегим ҳам уни ташлаб кетган, хон додаси — буваси Ўратепани ваъда қилиб бермаган. Самарқанддаги мағлубият ҳам кучининг озлигидан, дўстларининг хиёнатидан бўлган эди. Шеър мана шу кайфиятни ифода этади.

Толе йўқи жонимга балолиғ бўлди,
Не ишники айладим, хатолиғ бўлди.
Ўз ерни қўйиб Ҳинд сори юзландим,
Ёраб, нетайин не юз қаролиқ бўлди.

Бобур айрим шеърларининг ёзилиш тарихи ҳақида ўзи айтиб ўтади.

"Чархнинг мен кўрмаган жабру жафоси қолдиму?" — деб бошланадиган шеър шундайлардан бири. У 1506-1507 йилнинг қишида Ҳирот-Кобул йўлида ёзилган эди. Шеърининг дастлабки сатрлари Хазора йўлидаги "Ҳаволи қутий" деган жойда тунни ўтказганларида туғилган.

Энг сўнгги шеъри:

Ғурбатта ул ой ҳажри пир қилибтур,
Ғурбат била ҳижрон манга таъсир қилибтур.
Мақдур борича қилурам саъйи висолинг,
То Тангрини билмонки, не тақдир қилибтур.

Тақдирдур ул ёну бу ён солғучи, йўқса,
Кимга ҳаваси сунбулу татйир қилибтур.
Бу Ҳинд ери ҳосилидин кўп кўнгул олдим,
Не судки, бу ер мени дилгир қилибтур.

Сендин бу қадар қолди йироқ, ўлмади Бобур,
Маъзур тут, эй ёрки, тақсир қилибтур.

Бу шоирнинг иқрори, дил-изҳори, етолмаган армони ҳақидаги васияти эди.

Бобурнинг ҳалигача топилмаган асарлари, китоблари бор. Булар ўша жангу жадалларда, сўнгги даврнинг тўзонларида бедарак йўқолган. Бундан йигирма йилча олдин "Бобурнома"га кирмаган бир парча Қозонга бориб қолгани маълум бўлган эди. Бундай парчалар, эҳтимол яна топилар. Бу Бобурнинг 1526 йилда ўғли Камронга ёзган бир мактубининг кўчирилган нусхаси эди.

Бобурнинг ҳаёти ва ижоди тарихимизнинг ҳаяжонли, армонли бир саҳифаси. Уни ўқиш, ундан ўрганиш, баҳраманд бўлиш маънавиятимизга, руҳиятимизга қувват бағишлайди.

Дарҳақиқат, Бобур туркий заминда ўсиб вояга етган. Биз гаплашиб турган мана шу тилда сўзлаган, ижод қилган. Биз тинглаган аллалар-у, эртаклар, шеърлар-у, достонлар, ҳикматлар билан камол топган бир шахсдир. Шу маънода биз унга фарзанд мақомидамиз. Ниҳоят, ҳозир биз яшаб турган тупроқнинг ҳар бир қарич ерида унинг изи бор. Шу жиҳатдан у бизга ҳар томонлама яқиндир. Ўз вужудимиз сингари, ўз қалбимиз сингари ўзимизникидир.

Бобур бугун номи ўзбек деб аталган миллатнинг дарди, армонидир.

Шунинг учун ҳам дардимизки, у Ғарбда "Чиғатой даври", "Олтин аср" деб аталган XV аср маданиятининг сўнгги вакили, темурийлар салтанатининг сўнгги ҳукмдори бўлди. Армон шуки, шундай баҳодир қалб, шижоатли шоҳ ўз юртига сиғмади. Умри сарсонликда кечди. Тўғри, у беадад салтанатга эга бўлди. Лекин уларнинг ҳеч бири Ватаннинг ўрнини боса олмади.

Армон шуки, у ўз асарларини от устида, жангу жадаллар оралиғида ёзди. Эҳтимол, осойишта ҳаётда уларнинг сони жуда кўп бўлиши мумкин эди.

Тасалли шуки, шуларнинг ўзи ҳам бениҳоя қимматли бўлиб, ҳар қандай истеъдод эгаси ҳавас қилса арзигулик эди.

Қувонч, фахр шуки, Бобурдай шахснинг миллатимиз бағрида майдонга келишидир.

Бугун Бобур меросининг миллий ғоя, миллий ўз-ўзини англашдаги ибрати катта. Ватанга унинг меҳридай меҳр керак, унинг ҳурматидай ҳурмат керак. Тарихни англашда, ўзликни англашда унинг қунти, саботи, матонати керак. Мустақиллиқни мустаҳкамлаш учун унинг шиддати, унинг шижоати керак.

ҚИЁС

ДОСТОНЛАР ЗУБДАСИ

Халқ оғзаки ижоди ва афсоналарда аждодларимизнинг қадим замонлардан бери ривожланиб келаётган тафаккур эволюцияси, ҳозиргача мавҳум бўлган табиат сирлари ўз аксини топган. Маълумки, дунё маданий меросининг катта қисмини халқ эпослари эгаллайди. Эпик турга кирувчи халқ достонлари ва шунга ўхшаш намуналар бутун дунё халқларига хос. Масалан, биргина "Гўрўғли" туркумига кирувчи достонлар ўзбек, тожик, озарбайжон, булғор турклари, арман, туркман, қорақалпоқ, қозоқ халқлари маданий меросидан мустаҳкам ўрин олган. Кўп миллатлар мулки ҳисобланган бундай асар дунё фольклорчилигида бошқа учрамайди.

"Гўрўғли" достони туркумига кирувчи "Гўрўғлининг туғилиши" ва ҳинд эпоси "Рамаяна"ни таққослайдиган бўлсак, уларда кўплаб образ кўчиши, халқ орзу-умидларининг тажассуми ўз аксини топганига гувоҳ бўламиз. Зеро, ҳар иккала асар ҳам жаҳон адабиётининг дурдоналаридан саналади.

"Рамаяна"да Рам "Хайру саховатли, мард, гўзал талъат, алпкелбат ва бошдан-оёқ бенуқсон йигит" экани, ёвузликка барҳам берилиши ва адолатнинг қарор топишидаги жасорати алоҳида таъкидланади. "Гўрўғли" достонига ҳам ватанпарварлик, халқпарварлик, одиллик, бу йўлда ҳеч нарсадан қўрқмаслик, уни енгиш учун бутун куч ва билимни ишга солишлик, меҳнатсеварлик каби эзгу фазилатлар сингдириб юборилган.

Ҳар иккала асарнинг қаҳрамонлари ҳам юнон драматурглари Эсхилнинг "Шоҳ Эдип", Гомернинг "Илиада" асарларининг бош қаҳрамонлари каби илоҳий башорат натижасида дунёга келадилар. Ҳиндларнинг узоқ Шри Ланка ҳақидаги тасаввурлари эпосга девлар истиқомат қиладиган Ланка султонлиги ва унинг жоҳил подшоҳи Раван образи орқали кирган.

"Гўрўғли" достонида ҳам худди шундай ҳолатни кузатиш мумкин. Душманга Райҳон араб деб лақаб берилиши, қизилбошларга қарши кураш саҳналарининг киритилишида араблар босқинида азият чеккан жафокаш халқнинг босқинчиларга бўлган нафрати акс этган, десак, янглишмаймиз. Албатта, бу билан Гўрўғли туркумига кирувчи достонлар VII-VIII асрларда пайдо бўлган, деган фикрдан йироқмиз. Сабаби, ҳар бир даврда халқ тилдан-тилга ўтиб келган достонларга ўзининг орзу-умидларини, нафратларини сингдирган. Қаҳрамонлар характери ҳам ўзига хос рамзийликка эга. Гўрўғли характеридаги жиззакилик ва мулоҳазасизлик унинг қабрда туғилгани билан изоҳланади. Ёвузликка барҳам бериш учун дунёга келган Рам эса вазмин, босиқ инсон шаклида тасвирланади. Гўрўғли ернинг, Рам эса осмоннинг фарзандлари эди. Уларнинг исмида ҳам шунга ишора мавжуд. Шоҳ Жонак қизи Ситани эгат ичидан топиб олади. Сита сўзи ҳам эгат маъносини билдиради.

Достонда Гўрўғлининг байтал сутини ичиб вояга етиши, қирғинбарот жангларда ёлғиз отига суяниши ҳайвонларнинг инсонга яқин дўст эканига ишорадир. "Рамаяна"да ҳам қушлар, маймунлар, айиқлар, отлар бош қаҳрамонга яқиндан ёрдам беради.

Асрлар ўтса ҳам мавқеи ўзгармайдиган муҳаббат ва ғурур бу икки достонда ўзига хос кўринишда намоён бўлган. Масалан, Ланкага яширинча келган маймун Хануман Ситага уни олиб кетишга келганини айтади ва елкасига миндирмоқчи бўлади. Сита эса бунга жавобан уммондан ўтаётганда боши айланишини баҳона қилади. Бу ерда Сита Рамнинг ор-номусини ўйлаган. Ёвуз дев уни олиб қочиб келдими, демак, уни ўз ёри қутқариши керак. У маймуннинг елкасига миниб ёрининг олдига боришга ор қилади. Шунга ўхшаш ҳолни "Алпомиш" достонида Алпомишнинг маккорлик билан зиндонбанд этилганида қалмиқ шоҳининг қизи Тавка ойим ёки дўсти Қоражон келиб қутқармоққа чоғланганида тили қисиқ бўлиб қолишини хоҳламагани учун рози бўлмаганида ҳам кўришимиз мумкин. Халқимизнинг "Алпомиш" достони ва ҳиндларнинг бошқа бир йирик маданий мероси "Маҳобҳорат"даги камон кўтариш, тушдаги илоҳий башоратлар ҳам қадимда бу халқларнинг маданияти қанчалик яқин бўлганидан далолат беради.

Достонларда воқеаларнинг илоҳийлик ва мажозийлик касб этишида рақамлар ҳам муҳим роль ўйнаган. Бунга қадимий достонлар ва эртаклардаги Гўрўғлининг қирқ йигити, маликаларнинг 40 канизи каби мисолларни келтиришимиз мумкин. Бундан ташқари 3, 7,14 сонлари ҳам достонларда кўп такрорланади. Мисол тариқасида "Гўрўғли" достонида йигит-қизларнинг ҳусни 14 кунлик ойдек, деб таърифланиши ёки "Рамаяна"да Рамнинг 14 йилга сургун қилиниши ҳам бу рақамнинг сирлилиги билан боғлиқ.

Шунингдек, халқимизда чойни 3 марта қайтариш, зардўштийликнинг 3 қоидаси: "эзгу амал", "эзгу сўз", "эзгу фикр" каби урф-одатлар айнан 3 рақами билан боғлиқ. Гўрўғлининг 3 йил мозорда яшаши, "Рамаяна"да эса камолотга 3 нарса билан эришиш мумкинлиги ҳам бунга мисол.

Бир сўз билан айтганда, халқ оғзаки ижоди намуналари бизга ҳали жуда кўплаб сир-синоатларни ойдинлаштиришига шубҳа йўқ. Зеро, "Рамаяна" ва "Гўрўғли" достонлар гултожи, қўшиқлар сараси, ўтмиши бир-бири билан чамбарчас боғланган халқларнинг қалбидан қуйилиб оққан шеърият зубдаси — қаймоғидир.

Севара КАРИМОВА

ЎЙЛАБ КЎРИНГ

КЎНГИЛНИ ЎЛДИРМАНГ

Менинг асаларилари бор. Асаларичилик билан шуғулланадиган кишилар кузатган — уяда арилар билан бирга пашша, капалак сингари майда ҳашаротлар ҳам учиб юради. Оиласини ўзгалар "ташрифи"дан қатъий муҳофаза қилувчи асаларилар нега бунга йўл қўйди экан? Бу не ҳол, не синоат?!

Қотил деганда кўз олдимизга инсон жонига қасд қилган киши келади, тўғрими? Айрим ҳолларда жониворларни ўлдириб юрувчи, бераҳм одамларни ҳам "қотил" деб қўямиз. Мен ҳам қуйидаги воқеани кўрмагунимгача шундай фикрда эдим.

Хайрулло деган дўстим бор. Кейинги пайтда у анча одамови, ўйчан, асабий бўлиб қолди. Орқаваротдан бунинг боисини суриштирдим. Кимдан сўрамай, елкасини қисади, кимдир лоқайд қўл силтайди. Мен эса сабабини билишга бел боғладим. Ахир, дўстимнинг азобланаётганига, кун сайин ранги синиқиб бораётганига жим қараб туролмасдим-да.

Ахийри Хайруллонинг ўзига яқинлашишга, кўнглини топишга аҳд қилдим.

— Дўстим, хафа бўлмагин, сен билан қалбан жуда яқин бўлишга қўрқаман, — деди у. — Нафақат сен. Балки барча билан шундай.

— Нега?

— Чунки бировга қалбингни очсанг, у бор сирасрорингни, ожиз томонларингни билади, шунингдек, сен ҳам. Одам — хом сут эмган банда, бировнинг ожизлигини билгани ҳамоно ундан фойдаланмоқчи бўлади. Хуллас, мен сени йўқотиб қўйишни истамайман. Шунда дўстлик ҳам, ҳурмат ҳам ўлмайди.

Тилим лол бўлиб қолди. Демак, у кимдандир куйган. Суриштирсам, болалик дўсти Сайфи билан ғаплашмай қўйибди. Бир куни атайин Сайфидан сўз очдим, уни мақтадим, ёмонладим. Хайрулла "миқ" этмади. Яна бир куни...

— Сайфи — қотил, — деди Хайрулло гўё ўзи билан ўзи гаплашгандай босиқ ва беҳис.

— Қотил?! Кимни ўлдирди у?

— Кўнглимни, дилдаги ишончимни. Бунинг қотилликдан қаери кам?!

Шунда миямдаги "дангаса" ҳужайралар ишлаб кетди. Демак, биз — мен, сен ва у шунча яшаб, ўнлаб, балки юзлаб қотилликлар қилдикмикан! Ишонч ўлди, одам яшаяпти. Ўйланг, одам одамга ишонмаса, унинг одамлиги қаерда қолади? Ишончсиз одам одамми?..



Одамни ўлдирган қотилу, ишончни ўлдирган қобилми?.. Ўнлаб инсоний фазилатлар, туйғулар, илҳом ва ижод бизда жамулжам.

Ана шу маънавият одамни инсон рутбасида тутиб туради. Шуларсиз, шулардан мосуво одам бир махлуқ кабидир. Энди айтинг-чи, ўша покиза, нурли туйғуларни ўлдирган кишининг қотилдан қандай фарқи бор?

Раҳимжон МИРЗАҚУЛОВ,
Фарғона вилояти Бешариқ тумани.

ХОТИРА

ТИЛ ТОПИШГАН ДИЛЛАР

Ижод аҳлининг чинакам дўсти, ўзбек китобхонларининг севимли ижодкорига айланган Ўзбекистон халқ шоири Александр Файнберг моҳир таржимон, меҳрибон устоз, самимий инсон эди. Унинг «Этюд», («Лавҳа»), «Мгновение», («Лаҳза»), «Печать небосклона», («Осмон тамғаси»), «Далекое мосты», («Олис кўприклар»), «Короткая волна», («Қисқа тўлқин»), «Лист», («Япроқ»), «Лебединая стая», («Оққушлар») каби ўндан ортиқ шеърий тўпламлари адабий жамоатчилик ва шеърият мухлисларининг меҳрини қозонди. Яқинда мушоираларда, адабий кечаларда ёнимизда ҳамнафас, ҳамфикр бўлган ижодкор бугун орамизда йўқ. Севимли шоиримиз бу ёруғ оламни тарк этган бўлса-да, умрбоқий асарлари қалбимизда яшайди. Қуйида эътиборингизга шоирнинг ижоди ҳақида ёзилган мақолалардан бирини ҳавола этмоқдамиз.



Александр Файнберг шеърлари таратган жарангга қулоқ тутсангиз, у Шарқ шеърияти дарёларидан симириб камол топганини дастлабки мисралардаёқ англаб оласиз.

Масалан, у ўзининг "Ҳаваскор таржимонга" сарлавҳали шеърида:

Ашъор гўзал, ашъор мафтункор,
Бекорларга лол этмагайдир.
Асал ва май ичига бекор
Қилич тиғин беркитмагайдир,

деб ёзар экан, беихтиёр Мирзо Абдулқодир Бедилнинг:

Қил қадаҳ оғзида, эй қотил,
бугун пинҳон қилич,

— деган хитоби ёдингизга тушади. Бундай акс-садоларда, бундай ҳамоҳангликларда сунъийликдан асар ҳам йўқлигини англаб, бундай муштаракликлар мутлақо табиий эканига шоҳид бўласиз ва ич-ичингиздан маънавий бир қаноатланиш ҳиссини илғайсиз.

Шоирнинг ушбу манзумаси кўплаб фазилатлари билан бир қаторда сизни тағин бир ҳикматдан баҳраманд этади. Шеърият сўз санъати сифатида лаҳзани мангуликка муҳрлай олади.

Овутма ўзингни, шаккар байт
Ҳолва бўлур сатрма-сатр.
Тоғда булбул чаҳ-чаҳлаган пайт
Шеърда янграр асрма аср.

Александр Файнберг сўзнинг ташвишини Огаҳий бобомизга уйқаштириб чекади:

Билмаган ўз қадрини,
не билгувчи ўзга қадрини

Ёки:

Сангидил жоҳилга тонг йўқ,
сўз агар қилмас асар,
Чунки таъмир айламак
мумкин эмас сандонга сўз.

Фақат шеъриятга, фақат шоирларга эмас, умуман, аҳли башарнинг ҳар бир вакили олдига тақдир томонидан қўйиладиган бир маънавий талаб бор: ҳар бир одам ўз халқига қай даражада мансуб бўлса, инсониятга ҳам шу даражада тааллуқли ёхуд дунёга қанчалик дахлдор бўлса, Ватанига ҳам шунчалик қарашли инсоний меҳр ҳеч қачон муаллақ бўлмайди. У ҳамиша ватан тушунчаси билан жипсдир. Александр Файнберг буни ҳам тақдири, ҳам ижоди билан исбот қилган ижодкордир. (Зеро, тақдири ижоди билан туташ бўлмаган шоир борми, ўзи дунёда!) Жаҳоний саргашталик ҳамда ватанпарварлик туйғусининг чамбарчаслиги умумжаҳон шеъриятидаги етакчи мавзулардан биридир. Бу жиҳат севимли шоиримизнинг "Ёпиқ эшикка ёзилган битик" сарлавҳали шеърида ҳам яққол кўзга ташланади:

Тақиллатма эшикни дилхун,
Бас қил энди, бир нафас қўй-да.
Мен уйимда бўлмайман бугун,
Эртага ҳам бўлмайман уйда.

Сен шоирсан. Сен зўрсан минг бор,
Нечун яна кўнглинг тўлмайди?
Мени тинч қўй.
Авлодларга бор,
Авлодлар ҳам уйда бўлмайди.

Ватан ҳақидаги бундай фалсафий фикрлар, хаёллар оғушида пайдо бўлган, сўлим ва мавҳум, самовий тасаввурлар Александр Файнбергга муайян пардаларда муайян замин ҳақида қўшиқлар айтиш учун мутлақо халақит бермайди.

Александр Файнберг шеъриятида Ватан мавзуси ўзининг турли қирралари билан намоён бўлади. Бироқ шоир бир фикрни худди нақоратни такрорлагандек қайта-қайта таъкидлашдан чарчамайди. Бу мавзу унинг шоирга қарата битган шеърида ҳам акс этади. Хулоса шундайки, инсон халқини ўйлаган вақтда инсониятни, инсониятни куйлаган пайтда халқини унутиб қўймасин. Хилма-хиллик ҳамда муштараклик ёнма-ён яшасин:

Сенинг ҳар сатрингда яйрар иссиқ ёз,
Меникида эса қаҳратон аёз.

Шоир ўз ўқувчиларини халқаро муносабатларда ҳам табиатдаги сингари ўзаро мавзунликка, мутаносибликка астойдил даъват қилади.

Тошкентда туғилиб ўсган, жону дили билан ўзини Ўзбекистон фарзанди санайдиган шоир Тошкент ҳақида, Ўзбекистон тўғрисида шундай ёзади:

Азиз шаҳрим, ям-яшил макон,
Илк табассум, биринчи кўз ёш.
Қора ўра, хароба айвон
Узра яшил новда яшнар ёш.

Ёниб турар фидоий, ҳормай,
Мени кутар кўзи тўрт бўлиб.
Дунёнинг қай бурчида юрмай,
Мен ўламан шу ерга келиб.

Шоир шеърларининг таржимасига Абдулла Орипов, Сирожиддин Саййид, Рустам Мусурмон каби шоирларнинг бош қўшгани нафақат Ўзбекистондаги, балки бутун дунёдаги ўзбек тилида шеър мутолаа қиладиган мухлисларнинг Александр Файнберг дилини тушунишларини тезлаштиради.

Матназар АБДУЛҲАКИМ,
Хоразм Маъмун академиясининг катта илмий ходими.

ТАБИАТ ВА ИНСОН



ҲАҚГЎЙ ҚУШНИНГ НОЛАСИ

Баҳорнинг ўрталари эди. Тоғу тошни яхши кўрадиган табиат шайдоларини ҳамроҳликка олиб, Оқтошга бордик. Тоққа туташ арчазорлар ичида эринмай чодир тика бошладик. Мақсад шу ерда икки-уч кун қолиб, тоғ кўкламининг гўзалликларидан баҳраманд бўлиш эди.

Аслида, тоғнинг баҳорига ишониб бўлмайди. У ўзи хоҳлаган пайтда одамларни алдайверади: тонг саҳарда осмон чарақлаб, тип-тиниқ бўлса, салдан кейин тоғ бошида гиламдек булут пайдо бўлади. Қарабсизки, тушга яқин шариллатиб ёмғир ҳам, кутилмаган жала ҳам сепкилаб ўтиши мумкин. Рости, тоғ баҳоридан ҳар нарсани кутиш мумкин.

Шу фикрни дилга тукканча, пастроқ чўққиларга чиқиб, гўзалликдан завқ ола бошладик. Қуёш ботиши арафасида чодиримизга қайтдик ва дастурхон атрофида ёнбошлаб, чой ича бошладик. Ҳа, қумғонда қайнатилган чойнинг таъми бўлакчада. Ичиб тўймайсиз.

Атрофни бир пасда зулмат босди. Ҳали замон беозоргина томчилаб турган ёмғир ярим соатдан сўнг ҳаракатини тезлаштириб юборди. Осмонда момақалдироқ пайдо бўлиб, атрофни ларзага солди. Ёмғир деганимиз ҳам авжига чиқиб, худди челакдан қуйилаётгандек эди. Бундай пайтда ваҳимага ботасан киши: чодирдан чиқсанг, ҳамма ёқ зим-зиё. Борадиган жой ҳам, манзил ҳам йўқ.

Хуллас, бир-биримизнинг пинжимизга кириб, тонгни қаршиладик. Эрталаб эса осмон шунчалик чарақлаб кетгандики, ҳатто бир парча булут ҳам кўринмайди.

Болалигимдан тоғу тош билан қадрдонман. Қуёш кўринмай туриб, шерикларга чап бердимда, ўзимни арчазор ичига урдим. Биламан, кечаги қалдир-қулдурдан сўнг арчазорларга туташ жилғаларнинг кўкимтир ўтўланлари ичида оқ замбуруғ сероб бўлади. Аммо у қуёш тафтига бардош бера олмай, борйўғи бир ёки икки кун яшайди, холос. Икки-уч кундан сўнг замбуруғнинг танасига соч толасидек оппоқ қурт тушиб, уни ўлимга маҳкум этади.

Одатдагидек, целофан халтамни олиб, пастки жилғаларнинг нариги бетидаги яйловга замбуруғ тергани жўнадим. Ҳамма ёқ тинч, осуда. Фақат олислардан қўй-қўзиларнинг маъраши-ю, чўпон бўрибосарларининг вовуллаши эшитилиб туради, холос. Аммо сал юрар-юрмас ўнг тарафимдаги арчазор ичидан "кук-ку, кук-ку", деган овоз эшитилди. Эътибор бермасдан пастлай бошладим. Бораяпман-у, ҳалиги қуш қуюқ арчалар ичидан "кук-ку"лаб менга эргашиб келаётганини эшитиб турибдим.

Кўнгил — душман, дейдилар. Нимагадир юрагимни ваҳм босди. Барибир жилға бўйлаб пастлай бошладим. Қуш эса "кук-ку, кук-ку"лаб сайраганича менга ҳамроҳ бўлиб, изма-из келаверди. Қумқўрғон тарафлардан келган бир асаларичи танишим асалари қутиларини шу ерга ўрнатганди. Чунки бу атрофда турли хил гуллар кўп. Ана шу асалари қутилари қўйилган жойдан ўтсангиз сой бор. Сойнинг нариги тарафида арчазор тугайди.

Мен асалчи домланинг маконини ортда қолдириб, сойга эндим. Қаршимдаги ёлғиз арчанинг шохлари орасидан "кук-ку, кук-ку" деган овоз яна эшитилди. Шунда бу қуш мени қандайдир хавфдан огоҳлантираётгандай туюлди. Ростдан ҳам, у негадир менинг сойдан ўтишимни хоҳламай тинимсиз сайрарди. Тўғриси, ваҳима босди. Орқага қайтдим. Йўлда эса ўша таниш асаларичи домладан: "Мана шу тинмай сайраётган қушнинг қандай хосияти бор?" — деб сўрадим. Асаларичи: "Бу қуш хосиятли, иним, ота-боболаримиз уни ҳақгўй, дейишган", — дея жавоб берди.

Кеча қўнган манзилимиз томон келдим. Негадир шаҳарга қайтиш керакдай, аллақандай хатар бордай туюлаверди менга. Лекин кечагина ўша шаҳри ғулғуладан тинчлик истаб келганимиз учунми, ортга қайтишни хоҳламасдим. Аммо қушнинг ҳамон арчазор ичида "кук-ку"лаб тинимсиз сайрашида "Уйга бор, тезроқ бор, кейин кеч бўлиши мумкин", деган огоҳлантириш бордай эди.

Хоҳламайгина ортга қайта бошладим. Автоуловда кечаги ёмғир ювиб кетган тоғ йўлининг ўнқир-чўнқир жойларидан ўтишга анча қийналиб, аранг шаҳарга етиб келдим. Уйга келгач, рассом укам Шокиржон касалхонага тушиб қолганини эшитдим. Аҳволи оғир экан. Жонлантириш бўлимида ётган укамни кўргани кирдим. У мен киришим билан юмуқ кўзларини бир очди-да, абадий юмди. Менинг келишимга илҳақ бўлиб ётган экан...

Шу-шу, мени ортга қайтишга мажбур қилган ўша қушга бўлган ихлосим ошди. Орадан йиллар ўтгач, шу тоғдаги арчазор бағридан кичкинагина дала ҳовли солдим. Ҳар замонда юракка яқин дўстлар билан ўша ерга бориб, ҳордиқ чиқарадиган бўлдик. Бу макон Шукур Холмирзаев, Озод Шарафиддинов, Муҳаммад Юсуф, Эркин Аъзам, Зоҳир Аълам, Сафар Барно каби адибларнинг ҳам қадами етган жой бўлди.

Бир куни шу уйда ёлғиз қолдим. Шерикларим шаҳарга егулик олиб келгани кетишганди. Ҳавонинг қовоғи анчайин осилган. Бирдан ёмғир ёға бошлади. Ҳамма ёқ шалаббо. Ваҳимали сукунат оғушида оқшом чўкаяпти. Шу пайт сойнинг нариги бетидан яна "ҳақгўй"нинг "кук-ку"си эшитилди. Ташқарига чиқиб, атрофга нигоҳ ташладим. Қизилсойнинг нариги бетида одам қораси кўринди. Яқинроқ бориб қарасам, узоқ юртдан яқин дўстларимдан бири келган экан. Машинаси Қоплондарада лойга ботиб қолибди, ўзи пиёдалаб жўнаган экан шўрлик. У мени кўриб хурсанд бўлиб кетди. Мен меҳмонни уйга чорладим.

Шу воқеа сабаб ҳақгўй қушга бўлган ихлосим янада ошди. Унинг сайрашини кузатиб, бу қушнинг сизга яқин келиб сайраши отланиш кераклигини, узоқдан туриб сайраши эса яқин кишингиз келганини билдирар экан, деган хулосага келдим.

Собир ЁДИҚОВ
Бойсун тумани.

ҲАЁТИЙ МУШОҲАДАЛАР

ОШКОРАЛИК ЙЎҚ ЕРДА ТЎҒРИЛИК ҲАМ ЙЎҚ

Одамзотнинг ўзига ўзи берадиган баҳоси ёшига қараб ўзгариб боради: болалигида камтарона, ёшлигида мағрурона, катта бўлганда ботирона, улғайганда димоғдорроқ, мансабга минганда улуғроқ, кексайганда камсуқумроқ, қариганда тўғрироқ баҳо берадиган бўлади.

***

Ота-онанинг ўз иллатларини фарзандларида кўриши, уларни пайқаши ҳаммага ҳам насиб бўлавермайди. Бунинг учун етук ақл, камолга етган фаҳм, нозик дид-фаросат керак бўлади.

***

Ялқовлик, ишёқмаслик, сохталик, муттаҳамлик, қаллоблик каби иллатлар қон-қонига сингиб кетган ота-оналар буларни ўз фарзандларида кўрганларида улар жами ўзларида мавжуд эканини хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Оқибатда фарзандларидан ноҳақ нолиб юрадилар.

***

Бола миясининг ақлий қувватига яраша билим бермоқлик лозим. Камайтириб юборсангиз, унга жабр қилган бўласиз, ошириб юборсангиз, золимлик қилган бўласиз.

***

Моддий таъминот масалаларида, пул кирим-чиқим бўлиб турган ерда оммага, халққа, одамларга ўз вақтида ҳисобот бериб борилмас экан, турли хил баҳоналарни рўкач қилиб кирим-чиқимлар ошкор қилинмас экан, билингки, шу ерда нопоклик бор, қабиҳлик бор, ўғрилик бор. Буни жамоат уюшмаларида, маҳалла йиғинларида, давлат идораларида ва ҳатто диний идораларда ҳам бунга гувоҳ бўлиб, минг бор астағфируллоҳ, деб ёқасини ушлаганлардан сўранг. Шуларни билиб туриб ҳам яна енг ичида иш қиладиганлар дўзахийлардир.

***

— Баъзилар бор — ақлан заиф бўлганларидан одамларга ишонмайдилар;

— баъзилар бор — ишончсизлар муҳитида қолиб кетганларидан одамларга ишонмайдилар;

— баъзилар бор — ўзлари ишончсиз бўлганларидан одамларга ишонмайдилар;

— баъзилар бор — шубҳа туғдирган одамларга ишонмайдилар;

— баъзилар бор — ёмон ном чиқарган одамларга ишонмайдилар;

— баъзилар бор — одамлар макридан зада бўлиб қолганларидан уларга ишонмайдилар;

— баъзилар эса руҳан соғлом бўлмаганликларидан одамларга ишонмайдилар. Бу — энди касаллик;

Одамга ишонмаслик одамнинг тарбиясини бузади.

Азимжон ҚОСИМОВ,
филология фанлари номзоди.

ТАБОБАТ

САҚИЧ

унинг фойдаси ва зарари хусусида

Анча йиллар олдин хорижда "стюардесса воқеаси" деб номланган касаллик анча шов-шувга сабаб бўлганди. Бир аэрофлот ходимаси 7 йил ич кетиши ва қоринда пайдо бўладиган қаттиқ оғриқдан азоб чеккан. Узоқ вақт кетма-кет текширишлар ўтказилган, муолажалар қилинган. Лекин касалликни келтириб чиқарган сабаблар топилмаган. Маълум бўлишича, аэрофлот ходимаси бир кунда 60 дона қандсиз сақич чайнар экан. Бемор шифокорлар маслаҳати билан бу одатини ташлаганидан сўнг хасталик секин-аста йўқолиб кетган.

Бугунги кунда сақич, яъни "жвачка" номини олган бу маҳсулот аҳолининг кенг қатлами томонидан истеъмол қилинаяпти. Кўпчилик уни эрмак қиламан, дейди. Кимлардир сақич чайнайишини тез-тез асабийлашиши, ҳаяжонланиши билан изоҳлайди, гўёки сақич асабни тинчлантирар эмиш. Аммо бу нотўғри фикр. Қолаверса, ҳозирги кунда чайналадиган резинкаларга қанд моддаси ўрнига сорбит, ксилит, маннит, мальтит каби кимёвий моддаларни қўшишаяпти. Уларнинг ҳаммаси ширин таъм беришидан ташқари, одамнинг ичини юмшатиш хусусиятига ҳам эга. Афсуски, сақич этикеткаларида бу ҳақда лом-мим дейилмайди. Бир дона сақич таркибида 1,25 грамм сорбит моддаси мавжуд. Агар инсон кунига 18-20 грамм сорбит истеъмол қилса, қорни оғриб, ич кетиш ҳолати — диареяга дучор бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда шифокор тавсия этган дори-дармонлар ҳам наф бермайди.

Юқорида айтиб ўтилган кимёвий моддалар қондаги глюкоза миқдорининг юқори бўлишига йўл қўймайди. Чунки у ичак орқали кам сўрилади. Шунингдек, сақичга ранг бериш учун ишлатиладиган хлорофилл (Е140), ментол, антиоксидант бутилгидроокситолуол (Е 321) аллергик тошмаларни келтириб чиқаради, оғиз бўшлиғи атрофидаги терини шикастлантириб, кариес пайдо қилиши мумкин, айрим сақичлар таркибидаги гиёҳлар (лакрица, солодка) қон босимини кўтариб юборади ва қонда калий миқдорининг хавфли даражада камайишига олиб келади.

Берлин университети олимлари яқинда оддий сақични бир йил чайнаш тана вазнини 20 фоиздан ортиқроқ енгиллаштиришини исботлашди. Тўғри, сорбит ва унга ўхшаган моддалар танадаги ёғни эритади, лекин сув ва тузнинг организмдан чиқиб кетишига ёрдам бермайди. Сақич ошқозон ширасини қўзғатиб, ошқозон ости бези фаолияти бузилиши (панкреатит), ошқозоннинг яллиғланиши (гастрит) каби касалликларга олиб келиши мумкин.

Одатда кўпчилик ҳали эсини танимаган ёш болаларнинг сақич

чайнашига эътибор бермайди. Таъкидлаб айтиш жоизки, бу жуда хавфлидир. Америкада нашр этиладиган журналлардан бирида бир неча йил олдин сақич билан боғлиқ катта мақола чоп этилган эди. Унда 4 ёшли ўғил ва қиз болаларда кучли қабзият кузатилгани, яъни ичи юришмагани, қоринда қаттиқ оғриқ туриб, шишиб кетгани маълум қилинганди. Узоқ давом этган муолажа ва энг кучли дори-дармонлар ҳам фойда бермайди. Болалар текширувдан ўтказилганда ичакда ўсимта борлиги аниқланган. Ота-оналари, яқинлари рак, деб ўйлаб қўрқиб кетишади. Не-не таҳлика билан болалар жарроҳлик столига ётқизилади. Кейин маълум бўлишича, оддийгина сақич қизилўнгач ва ошқозонда столбага ўхшаб бир-бирига ёпишиб, болаларнинг ахлат йўлини тўсиб қўйган экан.

Юқоридаги фикрлар билан сақич чайнаш фақат зарар, деган фикрдан йироқмиз. Аксинча, унинг фойдали томонлари ҳам борлигини айтиб ўтиш жоиз. Масалан, гастроэнтерологлар фикрича, сақични овқат еб бўлгандан сўнг чайнаш фойдадан холи эмас. Бунда оғиз бўшлиғи ва тишлар орасида қолиб кетган овқат қолдиқлари тозаланади ва оғиздан хушбўй ҳид таралади.

Тоҳир ИБРОҲИМОВ,
тиббиёт фанлари доктори, профессор.

МАДАНИЯТ

УЛУҒ МУТАФАККИР ТАВАЛЛУДИ ОЛДИДАН

Навоийни ҳар доим ўқиш керак

Ўзбек адабий тилининг бошқа тилларидан қолишмаслигини, унда ҳам исталган жанрда беназир, бадиий, илмий етук асарлар яратиш мумкинлигини Алишер Навоий ўзининг ижодий меросида исботлаб берди. Шоир асарларининг қарийб беш юз эллик йилдан ошибдики маънавиятимиз хазинасининг бебаҳо бойлиги сифатида улуғланишида не ҳикмат бор?

Атоқли адабиётшунос олима Суйима Ғаниеванинг Навоий ҳаёти ва ижодига бағишлаган қатор илмий тадқиқотлари, рисолалари, шоирнинг 'Мажолис ун-нафоис', «Муножот' асарларининг рус тилига таржимаси ўқувчилар томонидан ҳали-ҳануз севиб мутолаа қилинади. Олиманинг, айниқса, Навоийнинг ҳали бизга етиб келмаган Навоий дастхати ва у ҳақдаги мақоласининг эълон қилинганлиги адабиёт аҳлини қувонтирганди.

Тошкент давлат шарқшунослик институтининг устоз мураббийси Суйима опа ҒАНИЕВА билан кечган суҳбатимиз ҳам ҳазрат Навоийнинг ижодий мероси хусусида бўлди.

— Мана, неча йилдирки, ҳазрат Навоий шеърият мулкининг султони сифатида халқимизнинг фахрига айланиб келмоқдалар. Лекин уларнинг ижодда оламшумул натижаларга эришганларини Хусайн Бойқаросиз, темурзода ҳукмдорнинг ютуқ ва зафарларини эса Навоийсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу икки зотни боғлаган улуғ ришталар, муштарак мақсадлар талайгина. Келинг, суҳбатимизни ана шу мавзудан бошласак...

– Навоий давлат арбоби бўлганига қадар икки тилда ёзган шеърлари билан барчага манзур шоир сифатида эътироф этилган эди. Шоир 1469 йили Самарқандда эканида Хусайн Бойқаро Ҳирот тахтига ўтиради. Навоийга махсус бир фармон ва Самарқанд ҳокими Аҳмад Ҳожибекка мактуб йўллайди. Пойтахтга таклиф этилган шоирнинг ўша дамлардаги фикр-ўйлари, тараддудлари унинг «Вақфия» асарида муфассал баён этилган.

Навоий Ҳиротга йўлланар экан, «Ҳилолия» номли қасидасини ёза бошлайди. Унда Хусайн Бойқарога салтанат осмонида кўринган янги ой – ҳилол таърифи берилади. Бу қасидада темурзода ҳукмдорнинг шоирлиги, илм аҳлига дилбандлиги, мусиқага мафтунлиги, сийратида дарвешлик чизгилари борлиги қаламга олинади. Ҳиротга келганда Навоий мухрдорлик лавозимига тайинланади. Унинг қўлидан давлатнинг барча ҳужжатлари ўтар эди. Қолаверса, Навоий Хусайн Байқаро билан ёшликдан дўст бўлган. Уларнинг оталари Ғиёсиддин кичкина ва Ғиёсиддин Мансур мирзо эмиқдош бўлганлар. Навоий Хондамир таърифича: «Тангри марҳамати билан оз вақт ичида тенгдош ва шерикларидан илгарилаб кетган. Нозиктаъблиги, софлик ва соғломлиги овозаси оламга ёйилган ва муборак фикрининг дадиллиги ҳақидаги сўзлар халқ орасида оғиздан-оғизга кўчган арбоб» эди. Шу боис Хусайн Бойқаро Навоийни ўз ёнида бўлишини ғоят истаган.

Шоирнинг хавф-хатарни бартараф этиши, ўзаро низо, фитналарнинг олдини олиши, Хуросон ва Мовароуннаҳр ўртасидаги ўзаро муносабатларни яхши йўлга қўйиши, бунёдкорлик ишлари қўламининг кенглиги, илм аҳли, адабиёт ва санъатга эътибори тарихий манбаларда яхши ёритилган.

Навоий ва Хусайн Бойқарони яқиндан боғлаган ришталардан яна бири – бадиий ижод соҳаси бўлган, десак, муболаға бўлмайди. Ҳусайн Бойқаро «Ҳусайний» тахаллусида шеърлар ёзган. Соҳиби девон шоир, унинг девони Афғонистонда ва икки марта бизда нашр этилган. Навоий "Мажолис ун-нафоис" тазкирасининг саккизинчи мажлисини Ҳусайн Бойқаро шеърлари таҳлилига бағишлаган. Бу қисм тўлалигича Афғонистон нашрида берилган.

— Хуросон ва Мовароуннаҳр тарихида Навоийнинг нафақат буюк шоирлик сифатлари, балки сиёсий фаоллиги, бунёдкорлик ишларига қўшган ҳиссалари эҳтиром билан тилга олинади. Илмий кузатишларингиз жараёнида бул зотнинг биз билмаган яна қандай эзгу амалларини кашф этдингиз?

— Тарихий манбаларда қайд этилишича, ҳазрат Навоий 1001 та бунёдкорлик ишларини режалаган экан. Шундан 370 дан ортиғини бажарган. Хондамир Навоий қурган работу хонақолар, сув иншоотларию кўприклар, мадрасаю масжидлар, шифохонаю мақбаралар, лангарлару ҳаммомлар ва бошқа иншоотларни санаб ўтган. Масалан, Нишопур шаҳридаги Фаридуддин Аттор мақбарасини бевосита ўзи иштирок этиб, таъмирлаган. Ҳозирги кунда ҳам маҳобатли, гўзал бу мақбара Навоий давридаги ҳолда зиёратгоҳга айланган. Мен

2000 йилда мазкур мақбарани кўриш бахтига муяссар бўлган эдим. Машҳадда эса Навоий Имом Ризо мақбарасининг жануб томонига айвон қурдирган ва устунларидан бирининг юқорисига Ҳусайн Бойқаронинг номини ёздирган. Менга бу мақбара ва айвонни ҳамда Машҳадда қазилган ариқни ҳам кўриш насиб этган эди.

— Мирзо Бобурнинг Навоий билан улкан тарихий қийматга эга бўлган мактубларининг асл нусхаси қаерда сақланади? Ушбу номаларнинг мазмун-моҳияти нимадан иборат?

— Бобур Мирзо Навоийни кўрмаган ва "Бобурнома"да мактублар орқали мулоқотда бўлганликлари қайд этилган. Лекин мактублар бизгача етиб келмаган. Бобур қисқа муддат Ҳиротда бўлганида Навоийнинг уйи "Унсия" (шоир ўз уйини шундай ном, яъни дўстлик уйи деб атаган)да яшаганидан маълум. Бобурнинг Навоийга ҳурмати, ижодига таважжуҳи, табиати чизгилари атрофидаги яқинларига муносабати ҳақидаги маълумотлар Ҳ. Қудратуллаевнинг "Бобур армони" китобида моҳирона қайд этилган.

— Мақолаларингизнинг бирида ҳазрат Навоийнинг табаррук дасхатларини кўришга мушарраф бўлганингизни маълум қилиб, шоирнинг «Наводир ун-ниҳоя» девонини алоҳида тилга олгандингиз. Ушбу девон билан муҳр ўртасида қандай узвий боғлиқлик бор?

— Алишер Навоийнинг ўзи тузган биринчи девони "Бадоеъ ул-бидоя", иккинчи девони "Наводир ун-ниҳоя"дир. Кўп йиллар олимларимиз шоирнинг дастхати қандай экан, бизгача ўз қўли билан ёзилган бирор асари етиб келганмикан, деган саволлар атрофида фикр юритар эдилар. Бир олим анчайин қатъийят билан: "Йўқ, етиб келмаган, чунки шоирнинг шахсий котиблари бўлган, бирор асари ёки шеърларини дарҳол кўчириб беравергaнлар", дегани ҳам ёдимда.

1976 йилда Эрон Миллий кутубхонасида сақланаётган қўлёзмалар феҳристи — каталоги эълон қилинди. Бу каталог ҳақида 1979 йили таниқли олим, академик Б.Валихўжаев Андижонда Навоийга бағишлаб ўтказилган XXIII илмий-анъанавий Навоий конференцияда Москва сафарида бўлган бир шогирдлари Москва кутубхонасида Эрон каталогини кўрганини ва унда Навоий дастхати ҳақида маълумот берилганини айтдилар.

Мен дарҳол Москвага отландим ва Миллий кутубхонадаги каталог билан танишдим. Унда берилган бир саҳифа (икки ғазал ва бир матлаъ) расм нусхасини олиб келиб, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида ва алоҳида бадиий буклетда дастхат ҳақида қисқа маълумотлар билан нашрдан чиқаришга ноил бўлдим.

Ниҳоят, 1991 йилда Фирдавсий "Шоҳнома"сининг 1000 йиллигига бағишланган халқаро конференция муносабати билан Теҳронга борганимда "Кохи Гулистон" номли музейда Навоий дастхати билан танишдим. Ўшал ҳаяжонли дамлар ҳамон ёдимда. Дастхатнинг биринчи варағида Навоий муҳри ҳам босилган бўлиб, унга араб тилидаги бир ҳадис нақшланган экан. Таржимаси: *"Дунёда бир ғариб ва бир мусофирдек яшагил фақир"*.

Девон билан муҳр орасидаги узвийлик шуки, муҳр ана шу девон аввалига босилган. Бошқача изоҳга эҳтиёж йўқ. Лекин Навоий мазкур ҳадисга ҳаёти, фаолияти, ижодида астойдил риоя қилган. Шуниси диққатга сазоворки, шоир қитъаларидан бирида мазкур ҳадис мазмунини берган:

Деди Ҳазрати муфизи коинот,
Ангаким эди ҳузним ўксуткучи –
Ки, дунёда бўлғил нечукким,ғариб
Ва ёҳуд анингдекки, йўл ўткучи.

Ҳозирча шоирнинг ўз қўли билан ёзган бошқа асарлари маълум эмас. 2008 йили Эрон сафарида бўлганимда илмий анжуман қатнашчиларидан бири «Табризда Навоийнинг дастхати сақланади. Лекин қаерда ва қайси асари била олмадим», деди. Энди Навоийнинг руҳи мадад берса, шояд уни ҳам кўриш насиб этса, деган орзу-умидлар оғушида яшаяпман.

— «Мажолис ун-нафоис» – Навойининг ўзи яратган тазкира. Унда шоир ўзгача яшаб ўтган ҳамда ўзига замондош бўлган Мовароуннаҳр ва Хуросонлик 459 шоир ҳақида қимматли маълумотларни беради. Ушбу тазкиранинг мазмун-моҳияти нимадан иборат?

– Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» тазкираси билан шарқ тазкирачилиги анъанасида икки янгича йўналишни, яъни анъанани бошлаб берди. Бири, саволда айтилганидек, моҳиятан шоирнинг замондошларига бағишланган. Иккинчиси, Навоий асарни ўз она тилида ёзган. Навоийдан кейин форсий ва бошқа шарқ тилларида яратилган тазкиралар кўп ёзилган.

«Мажолис ун-нафоис»ни мен рус тилига таржима қилдим. Ушбу асарнинг икки форсий таржимаси Ҳиндистондаги Мадрас шаҳри ҳамда Теҳрондаги бир шоирнинг кутубхонасида сақланмоқда. Айни пайтда бу асарнинг фото нусхасини олишга ҳаракат қилмоқдаман.

Адиба УМИРОВА
суҳбатлашди.

СПОРТ

ҲАМЮРТИМИЗ ТУРНИР ҒОЛИБИ

Ўн олти ёшли спортчимиз Неъмат Шофайзиев Бирлашган Араб Амирликларининг Абу Даби шаҳрида Халқаро теннис федерацияси томонидан ўсмирлар ўртасида ўтказилган халқаро теннис турнирининг жуфтликлар баҳсида ғолиб бўлди.

Ўндан ортиқ мамлакатдан келган теннисчилар иштирок этган мазкур мусобақанинг жуфтликлар беллашувида россиялик Владимир Поляков билан ҳамкорликда дуэтни ташкил қилган Неъмат Шофайзиев финалгача Россия спортчилари Сергей Дяконов ва Иван Поляковни 7:5, 6:3, иорданиялик Езан Абу Даёҳ ва покистонлик Файзан Ҳуррамни 6:2, 6:1, сириялик Амир Наов ва кувайтлик Муҳаммад Ризоларни 6:3, 6:4 ҳисобида мағлуб этишга эришди.

Финалда эса Неъмат Шофайзиев ва Владимир Поляков жуфтлиги Италия вакиллари Антонио Марсарелли ва Стефано Наполитанолар билан баҳс олиб бориб, ишончли ғалаба қозонишди.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш керакки, энди ҳамюртимиз Фужайра (БАА) шаҳрида бошланадиган навбатдаги турнирда иштирок этади.

ИШОНЧ ОҚЛАНМОҚДА



Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида уч юз нафардан зиёд спортчи иштирок этаётган "Parsvnath International" халқаро шахмат турнирида ўзбекистонлик гроссмейстер Марат Жумаев мағлубиятсиз одимини давом эттирмоқда.

Мусобақада тўртта ғалаба ва иккита дурангга эришган М.Жумаев еттинчи турда ҳиндистонлик халқаро тоифадаги спорт устаси П.Гиринатхга қарши дона сурди. Тажрибали шахматчимиз мазкур учрашувда рақибининг барча ҳужумларини муваффақиятли бартараф этиб, П.Гиринатхни мот қилди. Натижада М.Жумаев олти очко жамғариб, мусобақа жадвалида иккинчи ўринда бораётган шахматчилар қаторига қўшилди. Энди вакилимиз саккизинчи турда филиппинлик Оливер Димакилинг билан куч синашади.

РУУД ВАН НИСТЕЛРОЙ «ГАМБУРГ»ДА

Голландиялик истеъдодли футболчи Рууд ван Нистелрой Германиянинг «Гамбург» жамоаси сафига келиб қўшилди. www.goal.com сайти тарқатган хабарда ёзилишича, ушбу ҳужумчи янги жамоаси билан бир ярим йиллик шартнома имзолаган. Футболчи журналистлар билан мулоқот чоғида "Реал" жамоасидан кетишининг сабабини жорий йилда Жанубий Африка Республикасида футбол бўйича бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатига боришни хоҳлаётгани, бунинг учун эса майдонга мунтазам тушиб туриши кераклиги билан изоҳлади.

Хабарингиз бор, Рууд ван Нистелрой «Реал» клуби вакиллари сафига 2006 йилда келиб қўшилганди.

ФИФА РОЗИЛИК БЕРДИ

ФИФА президенти Йозеф Блаттернинг маълум қилишича, тез орада футбол учрашувлари вақтида юзага келадиган баҳсли вазиятларни такроран кўрсатадиган видеокамераларни стадионда ўрнатишга рухсат берилади.

Йозеф Блаттер шу пайтгача футбол учрашувлари вақтида бундай технологиялардан фойдаланишга қарши бўлиб келган. Техник воситалар ўйин суръатини сусайтирарди, деб ҳисоблаган ФИФА президенти эндиликда улардан бемалол фойдаланиш мумкинлигини айтди. Мазкур видеокамералар жорий йилнинг март ойидан бошлаб қўлланилиши мумкин.

Азим РЎЗИЕВ тайёрлади.

"Шарқ юлдузи" журналининг 2009 йил 24 июнда реестр 003439-09 рақами билан рўйхатдан ўтказилган 001914 рақамли гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ФИКР

ҲАЁ МОДАДАН ҚОЛДИМИ?

Бир куни дугоналарим билан дарсдан сўнг тушлик қилиш учун ошхонага кирдик. Овқатланиб туриб, атрофга разм солдим. Шунда хўрандаларга хизмат кўрсатаётган қиз эътиборимни тортди. Кўринишидан туппа-тузук қиз, аммо унинг кийиниши, ўзини тутиши ҳар қандай маънавиятли одамнинг таъбини хира қилади.

Шу пайт овқатланиш учун ошхонага бир нечта эркак хўрандалар кириб келишди. Қиз уларнинг олдига бордида, буюртма олди. У ортига қайтаётганида эркаклар бир-бирларига маъноли қараб қўйишди. Қиз ҳам илжайиб, ўзига ярашмаган юриш ва қилиқлар қилди. Овоз оҳанги ҳам кишининг ғашини келтирадиган даражада ўзгарди. У ҳар келганида хўрандалар "пиқ-қиллаб" кулишар, бир-бирига қараб кўз уриштиришар эди.

Бу ҳолатни кузата туриб, ўйга толдим: наҳотки шундай одам гавжум жойларда озгина ўзбекона меъёр доирасида кийинишнинг иложи бўлмаса?..

Метрода, автобусда, бозор ва дўкон атрофларида, айниқса, хиёбонларда бу каби "хуш манзара"ларни тез-тез учратишингиз мумкин. Энг ачинарлиси, айрим қизларнинг оммавий жойларда шундай томошалар объекти бўлаётганидир. Наҳотки, ҳаё ҳам урфдан қолган либос каби бир четга улоқтирилган бўлса?

Тўғри, бугунги кунда юртимизга ғарбона маданият кириб келмоқда. Глобаллашувнинг нафаси бизнинг ҳаётимизга ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қўймайди. Лекин бу қизларимиздаги ҳаё модадан қолди, дегани эмас-ку!

Лола ҚЎЗИЕВА

ҲАЖВИЯ

"Мени ҳам газетага чиқаринг"

— Алло-о-о, кечирасиз, бу "Кўнгил овози" газетасими? Менга бош муҳаррир Оқил Мирзо керак эди. У киши билан гаплашсам бўладими?

— Ҳа, бу "Кўнгил овози" газетаси. Аммо бош муҳаррир сиз айтаётган Оқил Мирзо эмас, таниқли шоир Мирзо Оқин. Ҳозир йўқ эди. Бирор гапингиз бўлса, бажонидил етказиб кўяман, — дедим аслида шу газетанинг бош муҳаррири бўлсам-да.

— Биласизми? — деб гапни узоқдан бошлади телефондаги "нотаниш" киши. — Аслида мен Оқил Мирзо билан ҳам, шоир Мирзо Оқин билан ҳам қадрдонман. Улар курсдошларим. Аммо икковини бир ойдан бери топа олмайман. Ҳар сафар "газетний корпус"га келиб, кўнгироқ қилганимда бир бош муҳаррир Оқил Мирзо, дейишса, бир Мирзо Оқин яқинда муҳаррир бўлди, дейишади...

Гаплашаверсам, "нотаниш"нинг гапи тугамайдиганга ўхшаяпти. Суҳбатга якун ясаш илинжида мақсадга ўта қолдим.

— Кечирасиз, вақтим зиқроқ эди. Оқил Мирзогами ёки Мирзо Оқингами (бунинг нима аҳамияти бор — А.Б) зарур гапингиз борми? Албатта етказиб қўяман.

— Мен Оқил Мирзонинг хотинининг амакиси бўламан, — деди у. — Шу десангиз, мени ҳам газетага чиқарса, дегандим. Фақат тўғри тушунинг. Қолаверса, биз ҳам хафа қилиб қўймаймиз...

Бўлди. Бунга қандай тоқат қилиш мумкин? Ҳар куни аҳвол шу. Хонамга кириб, курсига чўкишим билан овозинг ўчгур телефон жиринглагани-жиринглаган. Бу ишга қандай қилиб чек қўйса бўларкин? Симини узиб, улоқтириб юборсам қандай бўларкин? Йўқ, бунинг сира иложи йўқ. Кимсан бош муҳарир Оқил Мирзо бўлсам, нозик жойлардан сўраб қолишлари мумкин-да! Тўғрими?

Тунов куни шу касофат телефонни деб ишдан бўшашимга бир баҳя қолди-я! Ўшанда бир ҳафта телефоннинг симини узиб қўйгандим. Юқори қаватдан роса телефон қилишибди. Қолаверса, муштарийлар-у, муаллифлар ҳам сим қоқишибди. Кўнгироқларга жавоб берилмагандан кейин одамлар орасида турли гаплар урчиб кетибди. Ўзимнинг хабарим йўқ, кўчага чиқсам, ҳамманинг оғзида "Кўнгил овози" газетаси ёпиларми", деган гап-сўзлар!..

Аслида ҳамма даҳмаза олти ой бурун бошланган эди. Бош муҳаррир лавозимига эндигина "кўтарилган" кезларим эди. Мактабда бирга ўқиган дўстим ишхонамга келиб отасининг 90 йиллик юбилейи муносабати билан, битта мақола чоп этишимни илтимос қилди. Унга иложи йўқ, ахир, газета жамоатчилик минбари, кўпчилик ўқийди, шахсий манфаат йўлида фойдаланиш яхши оқибатларга олиб келмайди. Шундоқ ҳам ҳозир бирбирини мақтаб ёзишга ихтисослашган журналистлар-у, газеталар кўпайиб кетди. Кел, биз уларга ўхшамайлик, дедим. У бу гапга унамади. "Кўриб, билиб юрибман-ку, бошқаларни мақтаб ёзаяпсизлар-ку! Ўтган сонда булоқбошилик Ғани фермернинг отаси — товламачи Тешавой темирчини комил инсон даражасидаги одам, доим бировга яхшилик қилиб яшайди, қўй оғзидан чўп олмаган инсон, деб ёздинглар. Айт, Ғани фермердан қаерим кам? Ё отамнинг унинг отасидан қаери кам? Керак бўлса, мен ҳам пул ўтказиб бераман", — дейди.

Дўстимнинг гапларидан кейин нима қилишимни билмай қолдим. Майли, десам, биров буни сезиб қолса нима бўлади? Йўқ, десам, жондай дўстим.

Хуллас, дўстимнинг отаси ҳақидаги мақолани каттагина сурати билан газетамизда чоп этдим. Бундан дўстим анча вақт хурсанд бўлиб юрди. Ҳатто отасининг юбилейи куни ишхонамга келиб, қўярда-қўймай машинада олиб кетди. Бу ҳам етмагандек, тўйхонага етиб боргач, тортқилаб-тортқилаб катта залнинг тўридаги столда ястаниб ўтирган ота-онасининг ёнига ўтирғизиб қўйди. Қолаверса, таниш-билишлари билан ҳам таништирди. Отаси бир четда қолиб, мени кечанинг қаҳрамонига айлантирди ўзиям. Тўйхонага ким кириб келса, олдимга бошлаб келиб:

— Бу — дўстим Оқил Мирзо. У республикамиздаги энг нуфузли газеталардан бирида бош муҳаррир бўлиб ишлайди. Яқинда бобойни ҳам боплаб ёзиб чиқди, — дейди у хурсандчилигини яширмай. Мен қўлимни кўксимга қўйиб, жилмайганча турардим. Бошқа нима ҳам қила оламан? Ўша куни биров эътибор бердими-йўқми, ҳар ҳолда ҳижолатдан минг қизариб, минг оқардим. Ўша мақолани чоп этганимга ҳам шундай дўстим борлигига хам пушаймонлар едим. Аммо ғишт қолипдан кўчиб бўлганди. Яна озроқ сабр қил, юбилейдан кейин ҳаммаси жойжойига тушиб кетади, деб ўзимга таскин бердим. Бироқ адашган эканман.

Ҳаммаси эртаси куни боқланди. Маълумингизким, юбилейларга борган киши ишга бирикки соатлар кечикиб келиши одатий ҳол. Мен ҳам ишга эртаси куни пешинда келдим. Доимгидек, котиба қиздан кимлар телефон қилди, деб сўрадим. У қўлимга чамаси ўн-ўн беш одамнинг исм-фамилияси ёзилган бир парча қоғозни берди. Исм ва фамилияларни бир-бир ўқиб чиқдим. Қизиқ, уларнинг бирортасини ҳам деярли танимас эканман. Ким экан улар? Ўша кундан бошлаб кўнгироқлар шу даражада кўпайиб кетдики, ҳонамда ўтиролмайдиган бўлиб қолдим. Бир куни хотинимнинг дугонасининг эри, поччамнинг куёви, шофёримнинг тоғаси, қўшним ишлайдиган заводнинг директори кўнгироқ қилса, иккинчи куни поездда бирга кетган ишбилармон телефон қилади. Мана, бугун хотинимнинг амакиси асабни эговлаб турибди.

"Кўнгил овози" газетаси
бош муҳаррирининг
дардини оққа кўчирувчи Азим БАҲОДИР

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Зафар САИДОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
e-mail: hurriyat@doda.uz
Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Андижон — 8-374-250-90-39
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Тошкент — 8-370-383-97-53
Қашқадарё — 8-375-310-17-73
Сирдарё — 8-372-366-99-21
Сурхондарё — 8-376-370-12-01
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-224-73-33

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Иномжон АБДИЕВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 23.45

® — тижорат белгиси.

Адади: 17159 Буюртма — Г-27 1 2 3 4 5